

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВА ХУРШИДАХОН АБДУБОРИЕВНА

**ИШЕМИК ИНСУЛЬТДА АНГИО-ЦЕРЕБРО-РЕНАЛ
ДИСФУНКЦИЯ: ПРОГНОЗЛАШ, ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ**

14.00.13. – Неврология, 14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Расулова Хуршидахон Абдубориевна

Ишемик инсультда ангио-церебро-ренал дисфункция:

прогнозлаш, таъхислаш, даволаш..... 3

Расулова Хуршидахон Абдубориевна

Ангио-церебро-ренальная дисфункция при ишемическом инсульте:

прогнозирование, диагностика, лечение..... 29

Rasulova Khurshidakhon Abduboriyevna

Angio-cerebro-renal dysfunction in ischemic stroke:

prognostication, diagnosis, treatment..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВА ХУРШИДАХОН АБДУБОРИЕВНА

**ИШЕМИК ИНСУЛЬТДА АНГИО-ЦЕРЕБРО-РЕНАЛ
ДИСФУНКЦИЯ: ПРОГНОЗЛАШ, ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ**

14.00.13. – Неврология, 14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib82 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Маджидова Якутхон Набиевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Даминов Ботир Турғунпулатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мирджураев Эльбек Миршавкатович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабиров Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Гётеборг университети қошидаги Салгрэнска Академияси
Нейрофанлар ва физиология институти (Швеция)**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашининг «___» _____ 2018 й. соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент врачлар малакасини ошириш Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Н. Убайдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Б.Г. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир (ЮҚТК) ва цереброваскуляр касалликлар (ЦВК) инсон ногиронлиги ва ўлимнинг асосий сабаби бўлганлиги боис, уларнинг ривожланиши, профилактикаси ва дифференциал давоси хусусиятларига қизиқиш доимо бўлиб келган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) экспертлари баҳоларига кўра¹, 2015 йилда ЮҚТК туфайли 17,7 млн. одам нобуд бўлган. Бу дунёдаги барча ўлим сонининг 31 фоизини ташкил қилади. Улардан инсулт йилига тахминан 6,7 млн. инсон ҳаётини олиб кетган бўлиб, иккинчи ўринни эгалламоқда. Ўзбекистонда ҳар йили 40-60 мингдан зиёд инсулт қайд этилиб, улардан тахминан 44,6 фоизи ўлим, 42,2 фоизи ногиронлик билан яқунланади, фақат 13,2 фоиз беморлар ишга қайтади. Инсултлар орасида ишемик инсулт (ИИ) 75-90 фоизни ташкил қилади.

Жаҳонда эрта ташхислаш, прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш, даволаш чораларини такомиллаштириш, асоратлар ва ўлим сонини камайтириш орқали ЦВК частотасини пасайтириш ҳозирги кунда долзарб муаммодир. Инсултни прогнозлаш ва оптимал терапевтик тактикасини танлашга изчил ўтиш билан бирга уни ташхислашда замонавий инфорацион дастурлар ва алгоритмларни яратиш бўйича тадқиқотлар долзарб ҳисобланади. Охириги йилларда инсултдаги коморбид ҳолатларни, хусусан буйраклар патологиясини ҳисобга олган ҳолда унинг ривожланиши, кечиши ҳамда даволаш ва реабилитациясига оид тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда «катта ёшдаги авлод ва кексаларга давлат сиёсати даражасида керакли эътибор қаратилмоқда. Уларнинг саломатлиги муаммоси республикамиз соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим тиббий-ижтимоий ва устувор йўналиши бўлиб қолмоқда»². Аҳоли ҳаётининг даражаси ва сифатини ошириш, замонавий даволаш технологиялари ва услубларини кенг жорий этиш, шунингдек, тиббий хизмат сифатини яхшилаш бўйича тизимли ишлар изчил олиб борилиб, бу борада сезиларли натижалар қўлга киритилди. Инсултни сифатли ташхислаш ва даволаш амалиётини ўз вақтида қўллаш натижасида касалликнинг оқибатлари сони камайди ва прогноз яхшиланди. Инсулт муаммолари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ва амалий ишлар махсус ва ташкилий режа бўйича катта тажриба тўплаш имконини бериб, бу шубҳасиз батафсил таҳлил ва такомиллаштиришни талаб қилади. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ЦВК ва унинг оғир асоратлари сонини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 июлдаги ПҚ-3137-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини

¹ World Health Statistics 2016: monitoring health for the SDGs, sustainable development goals. – World Health Organization (WHO) Reports, Geneva, Switzerland. – 2016. – 121 p. www.who.int

² 2015 йил 18 февралдаги ПҚ-2302-сон «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида.

такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ва Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Инсултларни даволашда ва олдини олишда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Бутунжаҳон (World Stroke Organisation, WSO) ва Европа (European Stroke Organisation, ESO) инсултга қарши курашиш ташкилотлари, American Heart Association / American Stroke Association (AHA/ASA, АҚШ), National Heart Institute (Фрамингхам, Массачусетс, АҚШ), National Institute of Neurological Disorders and Stroke (NINDS, АҚШ), University of Iowa, Stroke Center, Los Angeles UCLA Medical Stroke Center (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Universitätmedizin Berlin Charite (Германия), University of Gothenburg, Sahlgrenska University Hospital (Швеция), Paris-Diderot University, Bichat-Claude Bernard Hospital (Франция), Osaka National Cerebral and Cardiovascular Center (Япония), Россия тиббиёт фанлари академиясининг неврология илмий маркази, Миллий инсулт маркази, Н. И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт университети, акад. И. П. Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси) ҳамда Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, турли хил даромадга эга мамлакатларда инсулт тарқалганлиги (WSO ва ESO), ИИнинг хавф омиллари (ХО), бирламчи ва иккиламчи профилактика чораларини ишлаб чиқиш (AHA/ASA) бўйича қатор илмий ва амалий натижалар олинган, ИИ генези ва кечишида юрак патологиясининг муҳим роли аниқланган (National Heart In-

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.world-stroke.org>, <http://www.eso-stroke.org>, <http://www.nationalheartinstitute.com>, <http://www.ninds.nih.gov>, <http://www.heart.org>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed>, <http://www.ncvc.go.jp>, <http://www.stroke.ucla.edu>, <http://www.uihc.org/stroke-clinic>, <http://www.neurophys.gu.se/forskning/publikationer>, <http://www.charite.de>, <http://www.medecine.univ-paris-diderot.fr>, <http://www.neurology.ru>, <http://www.rsmu.ru>, <http://www.1spbmgmu.ru>, <http://www.med.uz/emergency/center/>, <http://www.tma.uz>, <http://www.tipme.uz>, <http://www.tashpmi.uz> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

stitute), инсулт даврлари ва турларига боғлиқ ҳолда беморларни назорат қилиш бўйича чора ва тавсиялар, неврологик танқисликнинг оғирлиги, функционал тикланиш даражаларини баҳолашга имкон яратадиган инсулт шкаллари ва бошқалар ишлаб чиқилган (NINDS, PAMH), ИИда асоратлар ривожланиши ва ўлимга олиб келувчи хавф омиллари (ХО) сифатида буйраклар патологиясининг роли аниқланган (UCLA Medical Stroke Center, Osaka National Cerebral and Cardiovascular Center, University of Gothenburg), церебрал ишемиянинг ривожланишида азот оксиди (NO)нинг цитотоксик таъсири, глутамат-кальций каскади, иммун-яллиғланиш, генетик ҳамда апоптоз ва ангиогенез омилларининг таъсир механизмлари ўрганилган (Iowa, Oxford, Paris-Diderot Universities, Universitätmedizin Berlin Charite, Н. И. Пирогов номидаги РМИТУ, акад. И. П. Павлов номидаги Санкт-Петербург ДТУ).

ИИда ангио-церебро-ренал дисфункцияни илмий асослаш билан прогностлаш ва ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш тиббиётнинг устувор йўналиши ҳисобланиб, бош мия инсулти ривожланишининг эрта босқичларида патогенетик терапия ва унинг асоратларини олдини олиш ҳамда беморлар ҳаёти сифатини ошириш учун энг самарали асос бўлиб хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда клиницистлар эътиборини кўпроқ кардио- ва цереброренал ўзаро муносабатлари тортмоқда. Р. А. McCullough (2011), А. В. Смирнов ва А. Л. Арьев ва бошқа ҳаммуалифлар (2011) томонидан тарғиб этилган «сурункали буйрак касаллиги» (СБК), «кардио-ренал синдром», «кардио-ренал континуум», «цереброкардиоренал континуум» концепциялари ривожланмоқда. Ўзбекистонда СБК ва кардио-ренал ўзаро муносабатларига оид тадқиқотлар Б. Т. Даминов, М. А. Сабиров, Д. А. Эгамбердиева, М. М. Каримов, Ш. С. Абдуллаев, У. К. Камилова, З. Д. Расулова сингари олимлар томонидан олиб борилган.

Ҳозирги кунга қадар American Heart Association Kidney And Cardiovascular Disease Council; the Councils on High Blood Pressure Research, Cardiovascular Disease in the Young, and Epidemiology and Prevention; and the Quality of Care and Outcomes Research Interdisciplinary Working Group: developed in collaboration with the National Kidney Foundation томонидан СБК оғирлик даражаси билан боғлиқ бўлган юрак-қон томир асоратлари ва ўлим хавфи ривожланишини баҳоловчи бир неча йирик назорат қилинувчи тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу тадқиқотлар натижалари СБКнинг эрта босқичида ҳатто энгил буйраклар дисфункцияси бор беморларда юрак ишемик касаллиги (ЮИК), миокард инфаркти ва бошқа юрак-қон томир асоратларининг ривожланиши хавфи ошиши ва ушбу беморларнинг ҳаёт сифати ва прогнози сезиларли даражада ёмонлашиши мумкинлигини ишончли равишда исботлайди.

Популяцион тадқиқотлар (NHANES, Rotterdam Study, REGARDS, SCORED ва б.) орқали коптокчалар филтрацияси тезлиги (КФТ)нинг ўртача пасайиши (60 мл/мин гача) ва микроальбуминурия (МАУ) (суткасига 10 мг дан кўпроқ) юқори умумий ва юрак-қон томир ўлим хавфи билан боғлиқлиги исботланган (Bos M. et al., 2007; Bang H. et al., 2009; Van der Velde M. et al., 2011; Muntner P. et al., 2015). СБК бор беморларда эса ишемик ва геморрагик инсулт (Fabbian F. et al., 2014; Toyoda K., 2015; Shrestha P. et al., 2017;

Cherng Y. G. et al., 2018), транзитор ишемик ҳужумлар (Hayden D. et al., 2017) ривожланиши эҳтимоли юқори бўлиб, буйраклар функцияси бузилишининг оғирлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган (Ovbiagele B. et al., 2011). Бунда юрак-қон томир ХО учун ўрнатилган ўзгартиришлардан сўнг ҳам ИИ ва буйраклар функцияси бузилишлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар кучини йўқотмайди (Vander Velde M. et al., 2011). Бундан ташқари, ренал етишмовчилик қон томирлар атеросклерозининг намоён қилиш даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб (Смирнов А. В. ва б., 2008), тромбозис бажарилгандан сўнг (Nayak-Rao S. et al., 2017; Gadalean F. et al., 2017; Carr S. et al., 2017) ёки гемодиализ ва буйрак трансплантациясидан кейин (Renjen P. N. et al., 2018) неврологик асоратларга олиб келиши мумкин. Бир қатор тадқиқотларда insult терапиясининг муҳим вазифасига ХОни коррекция қилиш ва асосий сабабни даволаш, хусусан, ренопротектив таъсирга ҳам эга бўлган антигипертензив терапияни ўтказиш киради (Kobayashi M. et al., 2009; Постникова Е. С., 2009; Кожевникова Е. Е., 2009).

Жаҳон миқёсида ИИнинг патогенези, уни ташхислаш ва даволаш муаммоси тадқиқ этилаётганига қарамай, бугунги кунда янада чуқур ўрганишни тақозо этадиган кўплаб ҳал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжуд. Адабиётда, айниқса, гериатрик беморлар тўғрисида гапирганда, бош мия, юрак ва буйракларнинг бирлашган патологиялари тарқалганлиги тўғрисида маълумотлар етарли эмас, ангио-церебро-ренал дисфункция концепцияси мавжуд эмас. Инсултнинг ривожланиши ва кечишида буйраклар роли охиригача аниқланмаган, ўткир церебрал ишемияда (ЎЦИ) ангиогенез ва эндотелиал дисфункция (ЭД) жараёнлари буйраклардаги морфоструктур-функционал ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилмаган. Ўзбекистонда церебро-ренал континуумга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмаганлиги сабаб, бундай беморларга фанлараро ёндашув зарурлигини талаб қилади ва мазкур тадқиқотни ўтказишга асос бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти АДСС 15.26.8 «Ишемик insultда ангио-церебро-ренал дисфункцияни прогнозлаш ва ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш билан даволашни такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) Давлат амалий илмий-техник дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишемик insultда ангио-церебро-ренал дисфункцияни клиник-неврологик, нефрологик ва экспериментал тадқиқ қилиш билан ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда терапевтик тактикани оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ИИ бор беморларда унинг турларига боғлиқ ҳолда insultнинг оғирлик даражасини баҳолаш ҳамда ренал дисфункция (РД) учраши частотаси ва клиник манифестацияларини ўрганиш билан бирга клиник-неврологик, нейрофизиологик, нефрологик ва лаборатор-инструментал текширувларни ўтказиш;

ИИда церебро-ренал дисфункцияни ривожланиш хавфи даражасини аниқлаш мақсадида ХО, анамнез, фон ва ҳамроҳ касалликларни инобатга олиб, ИИ бор беморларнинг касаллик тарихини ретроспектив тадқиқ қилиш;

ИИда буйраклар функцияси ёмонлашишининг сабаблари ва белгиларини батафсил ўрганиш билан уларни шаклланиши механизмини аниқлаш;

ИИнинг ҳар хил турларида беморларнинг қон зардободаги ангиогенез ва ЭД омиллари (азот оксиди маҳсулотлари, ацетилхолинэстераза, VEGF, ЭТ-1 миқдорлари)ни динамикада ўрганиш ва қиёсий корреляцион таҳлилинини ўтказиш;

экспериментал фокал ЎЦИ моделида турли хил йўналишдаги метаболик ва цитопротекторлар билан даволашдан олдин ва кейин ангиогенез, ЭД омиллари ҳамда бош мия, буйраклар морфофункционал ҳолатини аниқлаш;

даволаш динамикасида ИИ бор беморларнинг қон зардободаги креатинин, мочевина миқдорлари, КФТ, оқсил ва альбумин экскрецияси асосида буйраклар функционал ҳолатини мониторинг қилиш;

клиник, экспериментал ва иммуногистокимёвий тадқиқотлардан олинган натижалар систематизацияси асосида ИИда ангио-церебро-ренал дисфункцияни ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ҳамда даволаш схемаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: ИИнинг ўта ўткир, ўткир, эрта ва кеч тикланиш ҳамда асоратлар даврида келган 302 нафар беморлар, дисциркулятор энцефалопатия (ДЭ)ли 50 та беморлар ҳамда экспериментал ишемик инсульт (ЭИИ) чақиртирилган 84 та оқ наслсиз каламушлар.

Тадқиқотнинг предмети: клиник-анамнестик ва лаборатор-инструментал маълумотлар, инсультни баҳолаш шкалалари, ИИ турлари; беморларнинг периферик қони ва пешоби; каламушларнинг бош мияси ва буйраклари биоптатлари, периферик қони ва пешоби.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, функционал, биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва математик-статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жинс, ёш, қон томирлар бассейни, касалликнинг оғирлик даражаси ва ренал дисфункция (РД) мавжудлигига боғлиқ ҳолда ИИ патогенетик турларининг клиник-диагностик мезонлари ишлаб чиқилган;

илк бор ИИ патогенетик турлари, томирлар бассейни ва даврларига боғлиқ ҳолда ренал бузилишларнинг учраши ва структураси аниқланган;

илк бор ИИ турлари, оғирлик даражаси ва гемодинамик кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда нисбий (RR) ва атрибутив хавф (AtR), имкониятлар муносабати (OR) ва этиологик улушни (EF) ҳисоблаш орқали РДнинг хавф омиллари ва клиник-лаборатор манифестациялари аниқланган;

илк бор ИИ турлари ва даврига боғлиқ ҳолда ангио-церебро-ренал дисфункциянинг ишончли маркерлари асосланган, КФТ кўрсаткичлари ва категориялари (СБК босқичлари) очиб берилган;

илк бор ИИнинг даврларига мувофиқ буйраклар функциясининг эрта (ўткир) ва кеч (сурункали) ёмонлашишига ажратиш орқали РДнинг

классификацияси ишлаб чиқилиб, уларнинг белгилари ва сабаблари аниқланган;

илк бор ИИ бор беморларда патогенетик турлари, оғирлик даражаси, жинси ва ёши ҳамда РД мавжудлигига боғлиқ ҳолда томирлар эндотелийсининг нитроксид- ва эндотелин ишлаб чиқарувчи функциялари, холинэргик тизим маркерлари ва томирлар ўсишининг эндотелиал омили мисолида ЭД ва ангиогенез жараёнининг патогенетик роли исботланган;

илк бор ИИда ангио-церебро-ренал континуумнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш механизми кўрсатилган, ангио-церебро-ренал дисфункциянинг ташхислаш ва прогнозлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

илк бор ЭИИ динамикасида ва фармакотерапия фонида каламушларнинг бош мияси ва буйракларида патоморфоструктур ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда неоангиогенез ва ЭД яққол белгилари аниқланган;

илк бор ЭИИ моделида сукцинасол, тивортин ва холин альфосцерати препаратлари билан ИИда цито- ва нейропротекциянинг ангио-церебро-ренал дисфункцияга таъсир механизмининг схемаси асосланган ва беморларда уларнинг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ИИда юқори сезувчанлик, спецификлик ва прогностик аҳамиятга эга ангио-церебро-ренал дисфункциянинг маркерлари идентификация қилинди; улар субклиник босқичда ташхислаш ва прогнозлаш мезонлар сифатида хизмат қилиб, патогенетик давони ўз вақтида бошлашга ва касалликнинг келгуси оқибатини аниқлашга имкон яратади;

ИИда буйраклар функцияси бузилишларини ўз вақтида аниқлаб, даволаш ва олдини олиш учун тегишли чораларни кўришга имкон яратадиган РДнинг ишчи классификацияси ишлаб чиқилди ва таклиф этилди; эрта ва кеч РДнинг сабаблари ва белгилари кўрсатилди;

ишлаб чиқилган ташхислаш мезонларни тиббий амалиётда ва даволаш жараёнида ишлатиш учун қулайлик яратиш мақсадида ИИнинг ҳар хил турларини ва уларнинг кейинги дифференциал даволаш тактикасини яхшилашга имкон яратадиган ИИнинг патогенетик турларини дифференциал ташхислаш усули (шкала ва алгоритм), бош мия инсульти оқибатини прогнозлаш усули ишлаб чиқилди;

ушбу патологиянинг давосига ўз вақтида коррекция киритиш, касалликнинг зўрайишини камайтириш, беморларнинг эрта ўлим сони ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида ИИда ангио-церебро-ренал дисфункциянинг оғирлик даражасини аниқлаш ва прогнозлаш учун компьютер дастур ишлаб чиқилди;

РД фонида ИИ бор беморларнинг анамнези, клиник симптомлари ва қон зардобида томирларни кенгайтирувчи, торайтирувчи ва проангиоген омилларнинг умумий миқдори маълумотларига асосланиб, математик моделлаштириш усули ёрдамида такрорий insult хавфини прогнозлашга имкон яратадиган прогностик матрицалар ва хавф диапазонлари ишлаб чиқилди;

ИИнинг умумий қабул қилинган анъанавий терапиясига киргизишга имкон берадиган цито- ва нейропротекциянинг ангио-церебро-ренал конти-

нуумнинг патогенетик қисмларига таъсир механизми кўрсатилди ва илмий асосланди; ангио-церебро-ренал дисфункцияни ҳисобга олган ҳолда ИИнинг самарали ва патогенетик асосланган даволаш схемалари таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методологик ёндашув ва объектив клиник-экспериментал, функционал, биокимёвий, иммунологик, морфологик ва статистик усуллар билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги кўрсатилган маълумотлар ИИда ангио-церебро-ренал континуум тўғрисидаги фундаментал билимлар ривожига муҳим ҳисса қўшади, ИИда ангио-церебро-ренал дисфункциянинг сабаблари, патогенези, структураси ва клиник-морфологик хусусиятлари тўғрисидаги теоретик тасавурларни кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ИИ ва унинг асоратларини самарали даволаш ва олдини олиш мақсадида ИИда ангио-церебро-ренал дисфункцияни ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва давосини такомиллаштиришга имкон яратади. Диссертациянинг хулосалари инсульт ва унинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ИИда ангио-церебро-ренал дисфункцияни прогнозлаш, ташхислаш, даволаш бўйича олиб борилган илмий изланишлар асосида:

«Ишемик инсультнинг патогенетик турларини дифференциал ташхислаш усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04956, 22.09.2014 й.). Натижада ИИнинг турларини ташхислаш ва уларни дифференциал даволаш тактикасини яхшилашга имкон яратган;

«Мия инсультининг оқибатини прогнозлаш усули» номли ихтирога патент олиндиб (№ IAP 05589, 25.04.2018 й.), инсультнинг кечиши ва оқибатларини прогнозлаш, эрта ўлим сонини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилган;

«Ишемик инсультнинг патогенетик турларини дифференциал ташхислаш усулини оптималлаштириш», «Ишемик инсультда ангио-церебро-ренал дисфункцияни ташхислаш ва прогнозлаш» услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8н-д/32-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг жорий этилиши натижасида инсульт ўтказган беморларда эрта ўлим, ногиронлик ва вақтинчалик ишга лаёқатсизлик даражалари қисқартирилган, ташхислаш нархи ва ходимларнинг иш вақтига кетадиган харажатлар камайган.

ИИни ангио-церебро-ренал дисфункцияни ҳисобга олган ҳолда прогнозлаш, ташхислаш ва даволаш бўйича олинган натижалар Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Урганч туман тиббий уюшмаси, Бухоро вилояти Когон тиббий уюшмаси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали, Тошкент шаҳри 2-сонли Республика клиник шифохонаси амалиётига ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва

Тошкент тиббиёт академиясининг ўқув жараёнига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 8н-з/47-сон хулосаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, шу жумладан, 19 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий конференциялар, конгресслар, симпозиумлар, семинарлар, танловлар, кўргазмалар, ярмаркаларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 94 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган, 2 та ихтирога патент ва 1 та ЭХМ дастурига гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, 5 та бобдан иборат шахсий текшириш натижалари, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари таърифланган, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ишемик инсультнинг эпидемиологияси, хавф омиллари, гетерогенлиги, этиопатогенези тўғрисида замонавий тассавур, ангиогенез, церебро-кардио-ренал континуум, цитопротекция**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг сўнгги маълумотлари батафсил таҳлил этилган, улар асосида жиддий ёндашувни талаб қилувчи қатор масалалар аниқланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзу ўрганилишининг зарурияти асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Ишемик инсультда ангио-церебро-ренал дисфункцияни прогнозлаш, ташхислаш ва даволашда материал ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар, экспериментал ҳайвонлар ва тадқиқот усуллари оид маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар 2013–2017-йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» Марказий клиник шифохонаси, ТТА 1-клиникаси, 5-чи ва 7-чи сонли шаҳар клиник шифохоналарда, ТТА ва ТошПТИ илмий-тадқиқот лабораторияларида олиб борилган.

Клиник тадқиқотлар. Жами 352 нафар бемор текширилди, улардан 302 таси каротид (КБ) (n=238; 78,8%) ёки вертебро-базиляр бассейндаги (ВББ) (n=64; 21,2%) ИИга чалинган беморлар – 32 дан 90 ёшгача (ўртача – 65,34±4,77 ёш) бўлган 178 та эркак ва 124 та аёл (1,44:1 нисбати). Назорат гуруҳини ўртача 58,57±3,08 ёшдаги 50 нафар 1-2 боскичдаги ДЭли бемор ташкил қилди.

Касалликнинг даврларига боғлиқ ҳолда 69,5% беморлар ИИнинг ўта ўткир ва ўткир даврида; 1,3% – эрта тикланиш ва 18,9% – кеч тикланиш даврида, қолган 10,3% беморлар ИИнинг турғун асоратлари даврида келган.

ИИнинг патогенетик турларига боғлиқ ҳолда 302 та ИИли бемор куйидаги гуруҳларга ажратилди: 1-гуруҳ – 122 та (40,4%) атеротромботик инсультли (АТИ) бемор; 2-гуруҳ – 118 та (39,1%) лакунар инсультли (ЛИ) бемор; 3-гуруҳ – 37 та (12,3%) кардиоэмболик инсультли (КЭИ) бемор; 4-гуруҳ – 11 та (3,6%) бошқа аниқланган ёки аралаш этиологияли ИИ бор беморлар (бошқа аниқланган этиологияли инсульт – БАИ); 5-гуруҳ – 14 та (4,6%) ноаниқ этиологияли ИИ (криптоген инсульт– КИ).

Ёш ва жинс билан боғлиқ таҳлил натижалари ИИ кўпроқ эркакларда (58,9%), айниқса, 40 дан 59 ёшгача ривожланишини кўрсатди. 70 ёшдан ошган эркаклар ва аёллар мутаносиблиги деярли бир хил эди. Турларига қараб, эркакларда кўпроқ АТИ (43,8%), БАИ (3,9%) ва КИ (5,6%), аёлларда эса – ЛИ (45,2%) ва КЭИ (12,9%) ривожланди.

Барча беморлар умумий қабул қилинган схема бўйича чуқур клиник-неврологик ва нефрологик текширувдан ўтказилди. Ҳушнинг бузилишлари мавжудлиги ва оғирлик даражаси Глазго шкаласи ёрдамида баҳоланди. ИИда неврологик танқислик ва оғирлик даражаси инсульт шкалалари: Скандинав (Scandinavian Stroke Study Group, 1985), Оргогозо (Orgogozo J. M., 1986) ва Оригинал (Гусев Е. И., Скворцова В. И., 1991) шкала ёрдамида баҳоланди. ИИнинг турларини аниқлаш учун Н. В. Верещагин, З. А. Суслина (2005), TOAST мезонлари, РТФА ИИнинг турлари эҳтимолликларини аниқлаш ЭХМ дастури (2004) ҳамда биз томондан ишлаб чиқилган шкала ва алгоритмдан иборат бўлган ИИнинг патогенетик турларини дифференциал ташхислаш усулидан (ихтирога патент № IAP 04956 22.09.2014 й.) фойдаланилди.

Ушбу тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ўтказилган терапияга кўра, ИИ ли беморлар 4 та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ (n=48) стандарт анъанавий терапия (АТ) таркибида антигипоксик, антиоксидант, мембранопротектор, дезинтоксикацион ва метаболик восита сифатида сукцинасол препарати («РЕКА-MED FARM», Ўзбекистон) 200,0 мл эритма шаклида (100 мг янтар кислотаси) вена ичига томчилаб 5-10 кун давомида ҳар куни юборилди; 2-гуруҳ (n=62) NO синтези камайганлиги билан боғлиқ ЭДни яхшилаш мақсадида NO донатори L-аргинин аспартати 100,0 мл 4,2%-эритмаси 1 г/5 мл (тивортин, ООО «Юрия-Фарм», Украина) вена ичига томчилаб 5-10 кун давомида ҳар куни юборилди; 3-гуруҳ (n=136) беморлари бош мия бузилган функцияларини, ҳушнинг бузилишлари ва инсульт оғирлик даражасини яхшилаш ва тиклаш мақсадида нейропротектив ва мембраностабилизатор восита сифатида АТ таркибида марказий

холинолитик холин альфосцерати (глиатилин, «Италфармако», Италия) препарати билан 1000 мг/4 мл эритма шаклида ва 400 мг ли капсулаларда 5-10 кун давомида ҳар куни ишлаб чиқилган схема (0221-сон информацион хат, 22.03.2010 й.) бўйича даволанди. Таққослаш гуруҳини юқоридаги препаратларсиз АТнинг ўзини олган 56 та ИИ бор беморлар ташкил қилди.

Лаборатор-инструментал тадқиқотлар. Ишемия ўчоғини верификация қилиш, уни локализациясини ва ҳажмини аниқлаш бош мия КТ/МРТ усуллари ёрдамида олиб борилди. Церебрал гемодинамика ва БМА ҳолати УТДГ ёрдамида ўрганилди. Кўрсатмаларга кўра, беморларда буйрақлар ультратовушли текшируви (УТТ), ЭКГ (шу жумладан, холтер мониторинги), ЭхоКС, АҚБ мониторинги, ЭхоЭС, ЭЭГ, офтальмоскопия, кўкрак қафаси органлари рентгеноскопияси, ички аъзолар УТТ, КТ/МРТ текширув усулларидадан фойдаланилди.

Барча беморларда буйрақлар функциясини ўрганиш учун келган пайтида эрталабки янги олинган пешобнинг биринчи порциясини умумий таҳлили ўтказилди. Пешобда оксилни аниқлаш учун сульфосалицил кислотаси билан синаш ва Брандберг-Роберт-Стольников унификациялаштирилган усулидан фойдаланилди. РДни скрининг-диагностикасида пешобда оксил, микроальбумин, креатинин, эритроцитлар, лейкоцитлар, глюкоза, солиштирама оғирлиги, нитритлар, уробилиноген, билирубин, кетонлар, рН, аскорбин кислотасини аниқлаш учун Comбина 13 тест полоскалари (HUMAN, Германия) ишлатилди (dipstick methodology). Альбумин/Креатинин (ACR) нисбати ҳисобланди. Қон зардобдаги креатинин ва мочевина миқдорлари Creatinine liquicolor ва Urea liquicolor (HUMAN, Германия) тижорат тўпламлари ёрдамида Mindray BA-88A (Хитой) биокимёвий анализаторда аниқланди. КФТ MDRD equation (2006), СКД-ЕРІ (2011) формулалари ёрдамида ҳисобланди, шунингдек, махсус калькуляторлар ва мобил телефонлар учун яратилган дастурлардан (QxMD Calculator) фойдаланилди. Каламушларда КФТ Шварц формуласи (2009) ёрдамида ҳисобланди. NKF-KDOQI (2011) ва СБК классификациясига (KDIGO, 2013) мувофиқ КФТ <60 мл/мин/1,73 м² тана юзасида бўлганда СБК ташхиси қўйилди.

ЭД ҳолатини кўрсатувчи қон зардобдаги нитратлар ва нитритлар (NO_2^- ва NO_3^-) метаболитларининг умумий миқдори Grees реактиви ёрдамида СФ-46 (Россия) спектрофотометрида аниқланди. Холинэргик тизим ҳолати В. С. Камышников (2002) спектрофотометрик усули ёрдамида аниқланган қондаги ацетилхолинэстераза (АХЭ) миқдори бўйича баҳоланди. Қон зардобдаги ЭТ-1 (1-21) ва VEGF А концентрацияларини аниқлаш учун Biomedica (Австрия) ва Affymetrix Bioscience (Австрия) тижорат тўпламлари ёрдамида қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили ўтказилди.

Экспериментал-морфологик тадқиқотлар. Экспериментлар (15 та серия) 105 та оқ наслсиз балоғат ёшига етган каламушларда олиб борилди. 84 та каламушда этаминал наркоз остида (50 мг/кг қорин ичига юбориш) чап умумий уйку артерияси (УУА) лигатура билан бекитилди. Бош мия қон айланишининг тўлиқ тикланиши ва реперфузиясини таъминлаш мақсадида кейинчалик у олиб ташланди ва яра тикилиб, ЭИИ модели яратилди.

Тасодифий танлаш усули ёрдамида каламушнинг тана вазнини ҳисобга олган ҳолда ҳайвонлар 5 та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – 21 та сохта операция қилинган каламушлар (назорат гуруҳи); 2-гуруҳ – 21 та ЭИИ ли каламуш + стерил физиологик эритма 10,0 мл/кг дозада (экспериментнинг якуний вақтига қадар умумий ўлим сони 9,52 фоизни ташкил қилди); 3-гуруҳ – 21 та ЭИИ ли каламуш + сукцинасол кунига 25,0 мл/кг (экспериментнинг якуний вақтига қадар умумий ўлим сони 4,76 фоизни ташкил қилди); 4-гуруҳ – 21 та ЭИИ ли каламуш + L-аргинин (тивортин) кунига 8 мг/кг (экспериментнинг якунига қадар умумий ўлим сони 0 фоизни ташкил қилди); 5-гуруҳ – 21 та ЭИИ ли каламуш + холина альфосцерат (глиатилин) кунига 100 мг/кг (экспериментнинг якунига қадар умумий ўлим сони 0 фоизни ташкил қилди).

ЭИИ модели яратилгандан 2-3 соатдан кейин барча ўрганилган препаратлар қорин ичига кунига бир маҳал 1-7 кун давомида юборилди. Клиник, биокимёвий ва морфологик усуллардан фойдаланилган ҳолда операциядан 1-2 соат ўтгандан кейин ва динамикада 1-, 3- ва 7-кунларда даволаш таъсирининг самарадорлиги баҳоланди. Ҳайвонларнинг неврологик статусини баҳолаш мақсадида Stroke-index Mc Graw (1977) шкаласидан фойдаланилди.

Морфологик тадқиқотлар учун декапитация қилинган ЭИИли ва назорат гуруҳидаги ҳайвонларда бош мия ва буйраклар бўлакчалари олинди. Гистологик препаратларни тайёрлашда тўқималарни 2,5%ли глутаральдегидли буферланган эритмада фиксация қилиш ва аралдит–эпон аралашмасида қотириш, кейинчалик 2 мкмдан кичикроқ бўлган ярим-ингичка кесикларни фуксин ва кўк метилен билан бўяшдан иборат бўлган модификация қилинган усулдан фойдаланилди (ихтиро патентига талабнома № IAP 20160484, 17.11.2016 й.). Қолган бош мия ва буйраклар бўлакчалари 10%ли формалин эритмасида қотирилиб, 4-7 мкм қалинликдаги парафин кесиклар тайёрланди, гематоксилин ва эозин билан бўялди. Тайёр микроскопик препаратлар DCM – 510 (USB 2.0) (Leitz, Германия) рақамли камера ўрнатилган «Микромед-2» (Россия) ёруғлик-оптик микроскопи ёрдамида кўриб чиқилди.

Статистик тадқиқотлар. Текширувлардан олинган маълумотларга Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача кўрсаткичларни таққослаганда олинган ўлчовнинг статистик аҳамияти Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Бунда хато эҳтимоллиги (P) тақсимлашнинг нормаллигини текшириш вақтида эксцесс мезони бўйича ҳисобланди ва бош дисперсияларнинг тенглиги Фишер (F) мезони бўйича тақсимланди. Фарқлар $P < 0,05$ бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятга молик деб ҳисобланди. Сифатли қийматлар учун статистик аҳамият Пирсон χ^2 мезони (хи-квадрат) ва z-мезон бўйича ҳисобланди (Гланц С., 1999; Петри А., Сэбин К., 2010). Тестларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш учун сезувчанлик, спецификлик, аниқлик, мусбат ва манфий натижаларнинг прогностик қиймати, ишончлилиқ муносабатлари аниқланди. Бундан ташқари, имкониятлар муносабати (OR), нисбий (RR) ва атрибутив хатар (AtR), этиологик улуш (EF) баҳоланди (Флетчер Р. ва б., 2004; Маматкулов Б. М., 2008).

Диссертациянинг «**Ишемик инсультга чалинган беморларда ангио-церебро-ренал дисфункциянинг клиник манифестациялари**» деб

номланган учинчи бобида 302 та беморларнинг ИИ патогенетик турларига боғлиқ ҳолда ретроспектив ва проспектив тадқиқотлар натижалари келтирилган бўлиб, уларда ангио-церебро-ренал бузилишларнинг учраш даражаси ва клиник характеристикаси ўрганилди. Олиб борилган тадқиқотлар беморларда ИИнинг клиник кўринишлари нафақат ўчоқни КБ ёки ВББда жойлашишига, балки касалликнинг патогенетик турлари ва даврларига ҳам боғлиқлигини кўрсатди. 78,8% беморда ИИнинг барча турларида, айниқса, АТИ (90,2%) ва КЭИда (86,5%) ўчоқ КБда (кўпроқ ўрта мия артерияси (ЎМА) ҳавзасида) жойлашганлиги аниқланди. Чап КБда кўпроқ БАИ (54,5%) ва АТИ (45,1%), ўнг КБда – АТИ (45,1%) ва КЭИ (43,2%) ривожланди. 21,2% беморларда ўчоқ ВББда, кўпроқ КИ (42,9%) ва БАИда (36,4%) аниқланди.

Глазго комалар шкаласи бўйича 64,9% беморнинг ҳуши аниқ, 27,1%да – карахт, 6,3%да сопороз бўлган ва 1,6%да ҳушнинг тўлиқ ўчиши (I даражали кома) кузатилган. ИИнинг асосий патогенетик турларига боғлиқ ҳолда ЛИ бор беморларнинг кўпчилиги (74,6%) аниқ ҳушда келган. Карахтлик кўпроқ АТИга (33,6%) хос бўлган. Ҳушнинг энг оғир бузилишлари кўпроқ КЭИда (18,9%) кузатилган.

Инсульт шкалалари бўйича баҳоланган неврологик танқисликнинг оғирлик даражаси ва намоён бўлишига боғлиқ ҳолда барча ИИли беморлар 3 та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – 168 (55,6%) енгил ИИли бемор, умумий клиник балл (УКБ) Скандинав шкаласи бўйича $45,1 \pm 2,8$; Оргогозо – $78,9 \pm 7,3$; Оригинал – $43,4 \pm 2,1$ баллни ташкил қилди; 2-гуруҳ – 94 (31,2%) ўртача оғирликдаги ИИли бемор, уларнинг УКБ тегишлича $27,4 \pm 4,82$; $50,3 \pm 7,02$; $30,5 \pm 1,04$ баллни ташкил қилди; 3-гуруҳ – 40 (13,2%) оғир ИИли бемор (шкалалар бўйича УКБ тегишлича $13,5 \pm 1,07$; $28,6 \pm 3,68$; $15,2 \pm 1,48$ балларни ташкил қилди). Бунда АТИга чалинган беморларнинг ҳолати ўртача оғир, ЛИда – енгил, КЭИда – ўртача оғир, лекин баллар бўйича АТИга кўра оғирроқ деб баҳоланди. БАИнинг оғирлик даражаси енгил, КИда – ўртача оғир деб қайд этилди.

ИИли беморларнинг шикоятлари ҳар хил бўлган, лекин барча ҳолатларда умумий қабул этилган клиник схемага мос келган. ИИнинг барча турларида бош оғриғи (62,2-85,6%), бош айланиши (59,5-70,3%), умумий (70,3%) ва қўл-оёқлардаги ҳолсизлик (67,6%), сезги бузилишлари (54,1%), қўл-оёқлардаги ҳаракатнинг чекланиши (49,2%), хотира (48,3%), нутқ (28,7%), юриш бузилишлари (21,6%), қўнғил айнаш ва қусиш (12,3-25,4%), қулоқларда (28%) ва бошда шовқин (5,7%) каби шикоятлар кўп учраган. Шикоятларнинг 22,1% ҳамроҳ неврологик ва соматик патологиялар, психо-эмоционал ва надсегментар вегетатив бузилишлар билан боғлиқ бўлган.

Зарарланган қон томир бассейндан ташқари, неврологик симптоматика касалликнинг даврларига боғлиқ ҳолда ўзгарган. ИИнинг ўта ўткир ва ўткир даврларида асосий неврологик бузилишларга қуйидагилар кирган: умумий мия симптоматикаси (94,4%), БМН функциясининг бузилишлари (81,1%), псевдобульбар бузилишлар (15,6%), дизартрия (12,6%), ҳаракат бузилишлари (кўпинча гемипарез, тетрапарез) (81,8%), сезги бузилишлари (67,9%), атаксия

(81,8%), тос аъзолари бузилишлари (18,5%), афазия (36,4%), когнитив бузилишлар (94,4%), симптоматик эпилепсия (11,9%).

ИИнинг турларига боғлиқ ҳолда ўчоқли белгилар кўпроқ оғирроқ кечадиган КЭИда (ўта ўткир, эрта тикланиш даври ва турғун асоратлар даврида бош мия шиши ва юрак-қон томир тизими томонидан келиб чиққан асоратлар натижасида ўлим сони 18,9%ни ташкил қилди), АТИдаги катта ўчоқларда (ўта ўткир даврда бош мия шиши натижасида келиб чиққан ўлим сони 4,1%ни ташкил қилди) учради. ЛИда ўчоқли белгиларнинг тез қайтиб кетиши унинг енгилроқ кечишидан далолат беради. Шунга қарамасдан, ҳар бир гуруҳда ИИ турларининг енгил, ўрта оғир ва оғир кечиши аниқланиб, булар турли ҳамроҳ касалликлар, уларнинг давомийлиги ва оғирлиги, ўчоқнинг локализацияси ва ўлчамлари билан боғлиқдир.

ИИ турларини ташхислаш мураккаб эканлигини эътиборга олган ҳолда, ташхис сифати ва аниқлигини ошириш мақсадида ИИнинг патогенетик турларининг дифференциал ташхислаш усули (шкала ва алгоритм) ишлаб чиқилди. У АТИ ташхисини 122 та бемордан 80 тасида, ЛИни – 118 та бемордан 70 тасида ва КЭИни – 37 бемордан 20 тасида тўғри қўйишга имкон берди. Усулнинг сезувчанлиги ҳар бир тур учун деярли юқори: 88,9% – АТИ, 87,5% – ЛИ ва 90,9% – КЭИ учун, шу вақтнинг ўзида спецификлиги озгина пастроқ бўлиб (53,3-81,6%), аниқлиги эса юқоридаги турлар учун 81,1; 85,6 ва 75,7%ни ташкил қилди.

ИИли беморларнинг кўп қисми буйраклар патологиясига оид шикоятлар ва субъектив белгиларни қайд этмаслигига қарамасдан, ҳатто ИИ ривожланишидан олдин РДнинг яққол сурати мавжуд бўлса ҳам, клиник-лаборатор-инструментал маълумотларнинг пухта таҳлили асосида РД 64,9% ИИ ҳолатларида ташхисланди. Шундай қилиб, буйракларнинг функционал ҳолатига боғлиқ ҳолда барча ИИли беморлар ($n=302$) 2 та асосий гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ (РД+) – 196 нафар (64,9%) ИИ фонидаги РДли беморлар ва 2-гуруҳ (РД-) – 106 нафар (35,1%) РДсиз ИИли беморлар.

ИИ патогенетик турларига боғлиқ ҳолда РД кўпинча АТИ (41,3%) ва ЛИда (39,8%) ва 5,6% ҳолатда сабаби аниқланмаган КИда ($RR=1,98$; $AtP=0$; $OR=2,04$; $EF=49,6$) намоён бўлди. ИИ тури, даври ва РД мавжудлигига боғлиқмас равишда церебрал ўчоқни барча ҳолатларда КБда аниқланганлигига қарамасдан, РД- билан таққослаганда, РД+ да ишемик ўчоқ 1,76 баравар кўп ВББда кузатилди (25%; $RR=1,77$; $AtR=0,02$; $OR=2,02$; $EF=43,4$).

РД- гуруҳига нисбатан РДли беморлар гуруҳида бош оғриғига бўлган шикоятлар 1,54 баравар кўп, умумий ҳолсизликка – 1,17 баравар, кўнгил айнаши ва қусишга – 1,8 баравар, нафас сиқиши, юрак ва бел соҳасидаги оғриқларга – 3,18; 2,3 ва 1,45 баравар кўп учради. Шишлар (65,3%), айниқса, эрталаб юзда, пастки ковоқлар остида ҳамда сийдик ажратиш бузилишлари (77-54,7%): олигоурия (32,6-0,9%), полиурия (23,5-15,1%), никтурия, баъзан дизурия (9,7%гача) специфик ренал белгилар ҳисобланиб, РД- гуруҳига нисбатан 7,68 ва 1,41 баравар кўп кузатилди.

ИИнинг ХО таҳлилига кўра, РД мавжудлиги ёки йўқлигига боғлиқ ҳолда ИИда церебро-ренал дисфункциянинг ХОга қуйидагилар кирди: 70 дан ошиқ ёш (40,3%; RR=2,85; AtR=0,24; OR=4,10; EF=64,9), аёл жинси (51,5%; RR=2,37; AtR=0,33; OR=3,84; EF=57,9), узок давом этувчи оғир АГ (67,3%; RR=1,25; AtR=0,37; OR=1,77; EF=20,2), кенг тарқалган тизимли атеросклероз (34,7%; RR=1,36; AtR=0,06; OR=1,55; EF=26,6), қандли диабет (ҚД) (24%; RR=1,34; AtP=0; OR=1,44; EF=25,3) ва юрак патологияси (29,1%; RR=1,14; AtR=0; OR=1,20; EF=12,4).

РД фонида кечувчи ИИли беморларнинг анамнезида транзитор ишемик хужум (ТИХ) (32,1%; RR=1,89; AtR=0,10; OR=2,3; EF=47,2), гипертоник хуружлар, кичик инфарктлар ва васкуляр деменция белгилари (18,4%; RR=1,62; AtR=0; OR=1,8; EF=38,4) қайд этилган. РД+ гуруҳида ЛИ ва хафақон касаллигининг (ХК) кўп учраши туфайли, ушбу беморларга умумий мия белгилари (98,9%) ва лакунар синдромлар (12,7%) хос бўлган. ИИ турига, даврига ва РД мавжудлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўпинча инсульт аста-секин, асосан тунги уйқу вақтида ёки ундан кейин ривожланган.

РД+ гуруҳи беморларининг невростатусида фарқ қиладиган белгиларга қуйидагилар кирди: тос аъзолари бузилишлари (25%; RR=3,79; AtR=0,13; OR=4,71; EF=73,6), атаксия (89,3%; RR=1,31; AtR=0,60; OR=3,94; EF=23,9), бульбар ёки псевдобульбар синдром (19,9%; RR=2,64; AtR=0,03; OR=3,0; EF=62,1) ва когнитив бузилишлар (95,9%; RR=1,05; AtR=0,62; OR=2,2; EF=4,6).

РД мавжудлигига боғлиқ ҳолда инсульт шкаллари балларига кўра, неврологик танқисликнинг оғирлик даражаси ва намоён бўлиши бўйича олинган ишончли фарқлар аниқланмади. РД йўқлигига нисбатан РД фонида кечувчи ИИли беморларнинг ҳолати инсульт шкаллари бўйича умуман статистик аҳамиятсиз оғирроқ эди. РД- гуруҳига нисбатан РД+ гуруҳида кўпроқ хушнинг бузилишлари (40,8%; RR=1,66; AtR=0,16; OR=2,12; EF=39,9), асосан карахтлик ва сопор – тегишли равишда 1,79 ва 1,51 бараварига кўпроқ учради. Шу билан бирга, кома билан кечувчи оғир инсультлар учраши орасида статистик аҳамиятли фарқ бўлмади.

ИИ дебютида АҚБ кўтарилиши 219 нафар (72,5%) беморда, кўпроқ РД+ гуруҳида кузатилди. САҚБ ва ДАҚБ ўртача кўрсаткичлари барча беморларда қуйидагича бўлди: ўнг САҚБ - $152,32 \pm 24,94$ мм симоб устунига, чап САҚБ - $148,18 \pm 26,60$ ва ўнг ДАҚБ - $90,53 \pm 10,65$ мм симоб устунига, чап ДАҚБ - $88,98 \pm 7,59$ мм симоб устунига тенг. САҚБ ва ДАҚБ максимал ошиши ЛИга чалинган беморларда кўпроқ кузатилди (240/140 мм симоб устунига), бу эса ушбу турда аввалдан кечувчи оғир ХК билан боғлиқдир. РД+ ва РД- гуруҳлардаги беморларда САҚД даражаси ва юрак қисқаришлар частотасининг кўрсаткичлари ўртасидаги статистик аҳамиятли фарқлар йўқлигига қарамай, РД мавжудлигида касалликнинг барча турлари ва даврларида ДАҚБ даражасини бирмунча ошиши, айниқса, куннинг эрталабки вақтида қайд этилди. Бу, ўз навбатида, юрак-қон томир асоратлари ривожланиши ХО ҳисобланиб, ИИнинг оқибатига таъсир этиши мумкин.

РД+ гуруҳида қон лаборатор кўрсаткичларида зардобдаги калий, натрий ва кальций миқдорининг пасайиши кузатилди. РД+ гуруҳига дислипидемия (61,7%; RR=1,49; AtR=0,35; OR=2,3; EF=32,8), яъни РДсиз гуруҳга нисбатан 1,5 баравар кўпроқ; уремия (24,5%) ва гиперкреатинемия (13,3%) хос эди. Анемия 2 баравар кўп ренал бузилишларсиз бўлган беморларда аниқланди (11,2%; RR=1,98; AtR=0; OR=2,11; EF=49,6). Гипергликемия 11,6% ҳолатда ҚДга чалинган беморларда, улардан кўпроқ РД+ гуруҳида (13,3%; RR=1,56; AtR=0; OR=1,65; EF=36,0) кузатилди. Қон ивиши тизимининг фаоллашиши, учраш даражаси бўйича РД- гуруҳидан фарқ қилмаган ҳолда 34,7% ИИли беморда кузатилди.

Пешоб кўрсаткичларида МАУ барча ИИли беморларда (48%) ва РД+ гуруҳида (68,9%), протеинурия – 20,2% ва 31,1%, яъни РДсиз гуруҳга нисбатан тегишлича 7,33 ва 31,1 баравар кўпроқ учради. РДсиз беморларда МАУ 9,4% ҳолатда учраб, транзитор характерга эга эди. Лейкоцитурия 44,4% ҳолатда РД+да кузатилди. Микрогематурия 46,9% РД бор ва 35% РДсиз ИИли беморларда аниқланди. Ундан аҳамиятсиз (кўриш майдонида 10-15) – 90 нафар (45,9%), ўртачаси (кўриш майдонида 30-50) – 1% РД+ беморларда кузатилди. 28,8% ИИли беморларда гиперуробилиногенурия деярли бир хил РД+ (29,6%) ва РД- (27,3%) гуруҳларида аниқланиб, бу гемолитик анемия ривожланишидан далолат беради. 11,6% ИИли беморларда кетонурия (кучсиз ижобий реакция) кузатилиб, бу липид алмашинуви бузилишидан далолат беради.

ИИли беморларда пешоб билан альбуминнинг экскрецияси аҳамиятли ошиши кузатилиб, бу ёш ўтиши билан боғлиқ ва ЭД маркери ҳисобланиши мумкин. Ўта юқори альбуминурия (макроальбуминурия ёки А3 жуда юқори даража) 20,2% ИИли беморларда учради, уларнинг барчаси РД+ гуруҳидан эди (31,1%). А2 юқори даража ёки микроальбуминурия (30-299 мг/г) 43,4% ИИли беморларда учради, улардан 61,7% беморлар РД+ гуруҳидан ва 9,4% беморлар РД- гуруҳидан эди, яъни ренал бузилишларсиз бўлган гуруҳга нисбатан 6,46 баравар кўпроқ. 36,4% ИИли беморларда оптимал ёки енгил ошиши (нормоальбуминурия) (<30 мг/г) аниқланиб, улардан 7,1% беморлар РД+ гуруҳидан ва 90,6% РД- гуруҳидан эди, яъни РД+ гуруҳига нисбатан 12,76 баравар кўпроқ. ИИли беморларда пешоб билан альбумин экскрециясининг аҳамиятли ошиши буйрақлар зарарланишини янада ёмонлаштирадиган АГ фонида кузатилди.

Кейинги босқичда барча ИИли беморларда ИИ турлари, жинсига боғлиқ ҳолда КФТ_{СКД-ЕР1} (мл/мин/1,73 м² тана юзасида) таҳлили ўтказилиб, беморлар КФТ категориялари ва СБК даражалари бўйича тақсимланди. Юқори ёки оптимал КФТ (С1; ≥90) умуман 55,9% (n=169), кўпроқ АТИга чалинган беморларда (63,9%) аниқланди. КФТ пасайиши 44,1% (n=133) беморларда, асосан ЛИ, КЭИ ва КИ (барчаси РД+ гуруҳидан) гуруҳларида кузатилди. Улардан 33,8%да (n=102) КФТ енгил пасайиши (С2; 60-89), деярли барча турларда бир хил даражада аниқланди. КФТ ўртача пасайиши (С3а; 45-59) 21 (6,9%) ИИли беморларда, кўпроқ БАИ (9,1%) ва КЭИда (8,1%) кузатилди. 4 нафар (1,3%) ИИли беморларда унинг аҳамиятли пасайиши (С3б; 30-44)

аниқланиб, улардан ярми КИга чалинган (14,3%) эди. КФТ кескин пасайиши (С4; 15-29) ва буйраклар етишмовчилиги (С5; <15) 6 нафар (2,0%) ИИли беморларда бир хил частота (1,0%) билан кўпроқ КИ (7,1%) ва ЛИда (1,7%) аниқланди. КФТ пасайиши кўпроқ ИИга чалинган, асосан ЛИ (78,2±22,23) ва КИ (58,3±16,66) билан бўлган аёлларда кузатилди (80,9±20,44). Эркакларда КФТ ўртача кўрсаткичлари норма чегараларида эди. РДни ташхислашда КФТ пасайиши асосий мезонлардан бири бўлганига қарамай, 32,1% РД+ гуруҳидаги беморларда КФТ оптимал кўрсаткичлари аниқланди. Бу эса ушбу категория беморларида РДни детекция қилиш учун КФТни ҳисоблашдан ташқари, буйраклар зарарланишининг бошқа маркерлари (альбуминурия, А/Кр ёки АСР нисбати, гиперкреатининемия, уремия), сийдик чўкмаси ўзгаришлари, электролит бузилишлар, структур ва морфологик ўзгаришлар ва бошқалар, шу жумладан, буйраклар УТТ маълумотларига эътиборни қаратишни талаб қилади.

РД манифестациялари ИИнинг турларида ҳар хил эди. Масалан, бошқа турларга қараганда, ЛИда РДнинг белгилари энг кўп бўлиб, улар КФТ энгил пасайиши, МАУ (50%), протеинурия (22%), лейкоцитурия (37,3%) ва гематурия (46,6%) шаклида эди. КЭИда кўпроқ КФТнинг янада сезиларли пасайиши (аммо С2-С3а чегараларида), уремия (24,3%) ва гиперкреатининемия (16,2%) кузатилди. БАИда МАУ (54,5%) ва гематурия (54,5%) аниқланди. РДнинг энг кам вариантлари АТИда қайд этилди. РДнинг энг кўп клиник вариантлари КИда КФТнинг янада сезиларли пасайиши, уремия (42,8%), гиперкреатининемия (28,6%), протеинурия (21,4%), гематурия (57,1%) шаклида аниқланди.

Демак, ИИда кузатиладиган РД – бу ИИнинг ҳар хил турларида фарқ қиладиган буйраклар функциясининг бузилиши синдроми деб изоҳланади. РДнинг манифестациялари кўпроқ ЛИда, камроқ – АТИда аниқланди. Лекин РДнинг белгилари ва вариантларининг максимал сони КИда, яъни аниқланмаган генезли ИИда учради. Кўриниб турибдики, ИИли беморларда РД ривожланишида ХК, юрак патологияси ва атеросклероздан ташқари, пухта диагностик кидирувни талаб этувчи бошқа ноаниқ сабаб асосий ролни ўйнайди. ИИнинг ноаниқ сабаби бир неча ХОнинг уйғунлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам улардан қай бири доминант эканлигини аниқлаш имкони бўлмади.

ИИнинг даврларига боғлиқ ҳолда РД маркерлари кўпроқ ўта ўткир ва кеч тикланиш даврларда ҳамда турғун асоратлар даврида альбуминурия, протеинурия, КФТ энгил пасайиши ва буйраклар етишмовчилиги шаклида ташхисланди. РД+ гуруҳидаги 196 нафар бемордан 143 тасида (яъни, 73% РД+ гуруҳига ва 47,3% ИИли беморларнинг умумий сонига нисбатан) РД белгилари ИИ бошлангандан сўнг биринчи 20 кун давомида, беморларнинг бошқа қисмида (n=53; тегишлича 27% ва 17,5%) – кечроқ даврида, бунда максимал 1 йилдан сўнг – 28 нафар (14,3% ва 9,3%) ИИли беморларда, 3 йилдан сўнг – 17 нафар (8,7% ва 5,6%) беморларда аниқланди.

Буйраклар функцияси ёмонлашининг эрта белгиларини олигоурия, анурия, баъзан полиурия, дизурия, шишлар, АҚБ кўтарилиши, айниқса,

ДАҚБ, унга коррекция таъсирининг ёмонлиги, гиперкреатининемия, КФТ пасайиши, альбуминурия, протеинурия, эритроцитурия, лейкоцитурия ташкил қилди. Ноадекват коррекцияда ўткир РД сурункали турга ўтиб, беморнинг бутун умри давомида кузатилиши мумкин. Эрта РД сабабларини қуйидагилар ташкил қилди: церебрал асоратлар (57,9%) (бош мия шиши, катта ҳажмдаги инфаркт, мия устунни инсульти, иккиламчи ишемия, марказий постинсулт оғриқ синдроми, хушнинг бузилишлари, кучли неврологик танқислик, геморрагик трансформация), юрак-қон томир асоратлари (34,8%) (сурункали юрак етишмовчилигининг ўткир декомпенсацияси, АҚБ кескин тушиб кетиши), экстраренал инфекциялар (24,8%) (пневмония), сийдик йўллари инфекцияси (19,9%), интоксикация (10,6%) (алкоголь, гипергликемия, гипертермия) ва ноаниқ сабаблар (6%).

Буйраклар функцияси ёмонлашишининг кеч белгилари латент кечувчи, лекин ИИ оқибатига ишончли таъсир этувчи ва прогнозни ёмонлашишига олиб келувчи полиурия, айниқса, ҚДа, дизурия, олигоурия каби белгилардан иборат эди. Кеч РД сабабларини қуйидагилар ташкил қилди: юрак-қон томир асоратлари (72,8%), ятрогения (25,8%) (полипрагмазия ва дориларнинг нораціонал ишлатилиши), урологик инфекциянинг зўрайиши (21,5%), экстраренал инфекциялар, интоксикациялар (8,3%) ва ноаниқ сабалар (4%). Демак, ИИли беморларда буйраклар функцияси ёмонлашишини эрта (ўткир) (ИИ бошлангандан сўнг биринчи 20 кун давомида) ва кеч (сурункали) турларга ажратиш мумкин.

Шундай қилиб, ИИда буйраклар функцияси ёмонлашишининг асосий сабаблари церебрал ва юрак-қон томир асоратлари ҳамда буйракларнинг дорилар билан зарарланиши бўлиб чиқди. Бунда ўткир РД сабабларига биринчи ўринда ИИнинг церебрал асоратлари кирган бўлса, кечроқ даврида экстрацеребрал бузилишлар РДнинг асосий сабаблари деб топилди.

ИИда РД маркерларини аниқлаш усуллари МАУ учун юқори (68,9%) ва КФТ $89 \leq 60$ учун ўртача (52%) сезувчанликни, лекин КФТ енгил ва кучли пасайиши (99,1%), уремия (99,1%), гиперкреатининемия (99,1%), протеинурия (98,2%), МАУ (90,6%) учун деярли юқори спецификликни кўрсатди. Усуллар аниқлиги МАУ (76,5%), КФТнинг аҳамиятсиз равишда пасайиши (68,6%) учун юқори, уремия (56,6%) ва протеинурия (55,1%) учун ўртача бўлиб чиқди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи ИИнинг патогенетик турлари ва РД мавжудлигига боғлиқ ҳолда ИИли беморларда томирлар эндотелийсининг нитроксид- ва эндотелинни ишлаб чиқувчи функциялари, холинэргик тизим ва ангиогенез маркерлари мисолида ЭД ва ангиогенез жараёнининг патогенетик ролини ўрганишдан иборат бўлди. Проспектив тадқиқотни ИИнинг ўта ўткир ва ўткир даврида келган 78 нафар бемор ташкил қилди.

Тадқиқотлар ИИ ва унинг асосий турларида беморларнинг қон зардобиди ЭД ва ангиогенез маркерлари қийматларининг аҳамиятли фарқларини кўрсатди. НО даражаси ишончли 1,56 барабар пасайиб, қон томир деворининг дилатацион хусусиятларини оғир бузилишларидан далолат берди. Шу билан бир вақтда, вазоконстриктор ЭТ-1 қиймати

статистик аҳамиятли 4 бараварга ошди. Неоангиогенез омили VEGF А қон зардобадаги даражаси ишончли 1,4 бараварга кўпайди. АХЭ миқдори қонда 1,25 баравар пасайиб, ИИда холинэргик тизим танқислигидан далолат берди. Назорат гуруҳига нисбатан ИИнинг асосий турларига боғлиқ ҳолда NO ва АХЭ миқдорларининг АТИда ишончли тегишлича 34,7 и 18,1%га, ЛИда – 36,7 ва 20,4%га ва яққол КЭИда – 41,2 ва 23,3%га камайиши кузатилди.

ЭТ-1 даражасининг КЭИ (82,8%) ва АТИда (79,5%) сезиларли ошиши кузатилган бўлса-да, ЛИда унинг кам миқдорда (48,1%) кўпайиши аниқланди. VEGF экспрессияси ҳам ИИнинг турига боғлиқ эди: агар АТИда VEGF миқдори назорат гуруҳига нисбатан ишончли 43,1%га ошган бўлса, бирмунча камроқ ЛИда – 25,3%га, КЭИда эса сезиларли 69,7%га ошиши кузатилди.

ИИ оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда ЭД маркерларининг қийматлари бир томонлама эди: инсулт қанча оғир бўлса, шунча NO ва АХЭ даражалари паст ва ЭТ-1 даражаси юқори бўлди, айниқса, тизимли атеросклероз, ХК, юрак патологияси ва ҚД фониди. Ушбу маркерларнинг қийматлари ИИнинг барча даврлари ва турларида назорат гуруҳи қийматларигача етиб бормади. VEGF кўрсаткичлари бир-бирига қарама-қаршиликни кўрсатди: ИИнинг енгил, ўртача оғир ва оғир кечишида тегишлича 37,6; 47,3 ва 33,3%га ошди. ЭТ-1нинг юқори даражаси бизга унинг салбий таъсири ҳақида айтиб турса, дастлаб оғир аҳволдаги ИИли беморларда эса паст бўлган VEGF гиперэкспрессияси ҳимоя механизмидан далолат беради.

ИИли беморларда NO, АХЭ, ЭТ-1 ва VEGF миқдорлари жинс ва ёш гуруҳлари бўйича таҳлил қилинди. Ўтказилган таҳлилга кўра, ИИли беморларда ушбу кўрсаткичларнинг концентрациялари 40-59 ёшдаги беморлар ва назорат гуруҳига нисбатан 60 дан ошган ёшда ва эркакларда кўпроқ ўзгарувчан эди. ИИли беморларда РД мавжудлигига боғлиқ ҳолда ЭД ва ангиогенез маркерларининг таҳлили РД+ ва РД- гуруҳларда статистик муҳим фарқлар йўқлигини кўрсатди. Фақат РД+ гуруҳида статистик аҳамиятсиз ЭТ-1 қийматининг юқорироклиги ва VEGF қийматининг пастроқлиги аниқланди.

Корреляцион таҳлил АХЭ ва NO ўртасидаги тўғри мусбат кучли боғлиқликни ($r=0,732$ РД+да ва $r=0,747$ РД-да), РД-да ЭТ-1 ва VEGF ўртасидаги жуда кучли ($r=0,804$), РД+да ЭТ-1 ва VEGF ўртасида ўртача кучли тўғри мусбат ($r=0,415$) боғлиқликларни кўрсатди. ЭТ-1 ва NO ($r=-0,092$ РД+да ва $r=-0,235$ РД-да), ЭТ-1 ва АХЭ ($r=-0,396$ РД+да ва $r=-0,290$ РД-да), ўртасида манфий ҳамда РД+да VEGF ва АХЭ ўртасида ($r=-0,055$) кучсиз манфий, РД-да VEGF ва NO ($r=-0,336$) ҳамда VEGF ва АХЭ ($r=-0,534$) ўртасида ўртача манфий боғлиқликлар аниқланди.

ИИда ЭД ва ангиогенез маркерларини аниқлаш усуллари юқорида ўрганилган биокимёвий кўрсаткичлар учун юқори сезувчанлик (97,7%), ўртача аниқлик (55%), лекин паст спецификликни (2,8%) кўрсатди.

Диссертациянинг «**Ишемик инсултда ангио-церебро-ренал дисфункциянинг ривожланишининг механизмлари**» деб номланган тўртинчи бобда ИИли беморларда ўрганилган турлар ва РД мавжудлигига

боғлиқ ҳолда турли хил ҳамроҳ касалликлар ва асосий ХО учраш даражаси қиёсий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

РД бор ёки йўқлигидан қатъий назар, ИИнинг асосий этиологик омиллари ХК (68%), унинг атеросклероз билан комбинацияси (44%), ҚД (42%) ва юрак патологияси (23%) бўлиб чиқди. 10% ИИли беморда 4 тадан ортиқ этиологик ХО аниқланди. Бунда АТИ ривожланиши учун асосий этиологик ХО атеросклероз (85,2%), ЛИ учун – ХК (97,4%) ва КЭИ учун – юрак патологияси (94,6%) бўлди. Инсульт асосий ХОдан бири стресс (57,6%) бўлиб, у кўпроқ эркакларда учради. РД фонида кечувчи ИИда гиперлипидемия (атеросклероз) 75,5% (OR=1,33), 5 йилдан кўпроқ давом этаётган ҚД 15,8% (OR=2,30) ва юрак патологияси 29,1% (OR=1,20) беморларда, шу жумладан, инсультга олиб келган 5 йилдан кўпроқ вақт давом этаётган асосий касалликнинг 81,1% (OR=1,9) беморларда мавжудлиги аҳамиятли деб топилиб, қон томир деворида оғир структур ўзгаришларнинг кучайиши, тромблар ҳосил бўлиши ва РДни зўрайишида асосий ХОнинг ролини тасдиқлайди, асосий ХО ва ангио-церебро-ренал дисфункция ривожланишининг частотаси ўртасида ўзаро муносабатларни белгилайди. Асосий ва ҳамроҳ касалликларни даволаш учун препаратларни доимий ва узок вақт қабул қилиш ИИда РД ривожланиши учун яна бир ХО сифатида 80,6% беморларда (OR=1,9) аниқланди. Бу эса инсульт ривожланишидан олдин буйракларнинг дорилар билан зарарланишидан далолат бериши мумкин. Ушбу ХО кўпроқ аёлларда учраб, улар инсульт ривожланишидан олдин доимий коррекция қилиб юрганини кўрсатади.

Аниқланган муносабатлар асосида ИИда ангио-церебро-ренал континуум ривожланишининг механизми схемаси кўрсатилди. Унинг патогенезида ЭД биринчи бўғин сифатида намоён бўлди.

ИИда ангио-церебро-ренал дисфункция ривожланиши хатарининг даражасини баҳолаш учун қуйидаги ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилди: 1) ёши (70 дан ошиқ); 2) жинси (аёл); 3) асосий ХО (АГ, атеросклероз, ҚД); 4) қўшимча ХО (анамнезда ТИХ, юқори хатарли юрак патологияси, кичик инсультлар, гипертоник хуружлар, тамаки чекиш); 5) гемодинамик кўрсаткичлар (САҚБ ва ДАҚБ кўрсаткичлари); 6) шкалалар (Гусев-Скворцова, Глазго ва б.) бўйича инсульт оғирлик даражаси; 7) буйраклар бузилишлари омиллари, улардан 3 ойдан кўпроқ давом этган буйракнинг ишемик зарарланиши; буйраклар зарарланиши билан ёки усиз 3 ойдан кўпроқ қайд этилган КФТ<60 мл/мин/1,73м² тана юзасида, буйраклар зарарланишининг қондаги лаборатор маркерлари (зардобдаги креатинин, мочевина, калий); сийдикда – эритроцитурия, лейкоцитурия, МАУ, протеинурия; орган морфологиясининг ўзгариши (УТТ маълумотларига кўра). Буларнинг барчаси ИИда доимий ва узок муддатли назорат қилиш ва даволашни талаб этувчи турғун ва қайта тикланмайдиган РДни шакллантиради.

ИИда ангио-церебро-ренал дисфункцияни оғирлик даражасини аниқлаш ва прогнозлаш ҳамда тиббий амалиётда қўллашда қулайлик яратиш мақсадида «ИИда ангио-церебро-ренал дисфункцияни оғирлик даражасини

аниқлаш ва прогнозлаш дастури» (ЭХМ дастурига гувоҳнома № DGU 03786, 13.06.2016 й.) ишлаб чиқилиб, унга ангио-церебро-ренал дисфункция ривожланишининг паст, ўрта ва юқори хатари билан оғирлик даражасини аниқлаш учун барча юқорида кўрсатилган ташхислаш мезонлари киритилган. Ишлаб чиқилган бош мия инсультининг оқибатини прогнозлаш усули (ихтирога патент № IAP 05589, 25.04.2018 й.) ёрдамида сийдиқда оқсилнинг муайян қийматлари ва неврологик танқисликнинг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳаёт учун ижобий ёки салбий прогнозни, ёки эрта ва кеч асоратлар ривожланиши хатарини аниқлаш мумкин.

Байес эҳтимоллик усулига асосланган Е. Н. Шиганнинг интенсив кўрсаткичларини нормаллаштириш (ИКН) усулидан фойдаланган ҳолда такрорий ИИни прогнозлаш модели яратилди. Уни РД билан кечувчи ИИли беморларнинг ўрганилган анамнези, клиник симптоматикаси ва қон зардобадаги томирларни кенгайтирувчи ва қисқартирувчи омилларнинг умумий миқдорлари бўйича аниқланган прогностик матрицалар ташкил қилди. Мумкин бўлган хатар диапазони ҳамда қуйидаги 3 та интервалга ажратилган суб-диапазонлар аниқланди: кучсиз эҳтимоллик – ижобий прогноз, ўртача эҳтимоллик – диққатлик, юқори эҳтимоллик – салбий прогноз. Шундай қилиб, якуний прогностик коэффициентларнинг остона қийматлари ва ИИ ривожланиши хатар гуруҳлари аниқланди (ихтирога патент олиш учун талабнома № IAP 20170503, 24.11.2017 й.). Клиник-неврологик ва нефрологик текширувлар асосида ИИ билан касалланган беморларда ангио-церебро-ренал дисфункцияни ташхислаш усулига оид ихтиро яратилди (талабнома № IAP 20180109, 15.03.2018 й.).

«Ишемик инсультда ангио-церебро-ренал дисфункция ривожланишини экспериментал асослаш ва фармакотерапия самарадорлигини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобда ИИда ангио-церебро-ренал континуумни ва нейропротектив фармакотерапияни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш учун ўтказилган экспериментал-морфологик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, даволанмаган гуруҳда неврологик бузилишлар тажрибанинг 7-кунига қадар кучайиб борди (Mc Graw шкаласи бўйича ўртача 10,6 балл). Даволаш фонида невростатус динамикаси деярли барча ЭИИ чақирилган каламушларда, айниқса холин альфосцерати ва тивортин билан даволаш фонида ижобий бўлди.

ЭИИни моделлаштиришнинг 7-кунда каламушлар қон зардобада ЭТ-1 даражаси кескин ошиб, назорат гуруҳи ҳайвонлари кўрсаткичларидан 3 баравар ишончли юқорироқ бўлди. VEGF А миқдори ҳам назорат гуруҳига нисбатан 2,87 баравар ишончли ошди. Олинган натижалар экспериментал ҳайвонларда неоангиогенез фаоллашиши билан ИИда ЭД ривожланишини кўрсатади. Сукцинасол, тивортин ва холин альфосцерати билан ўтказилган фармакотерапия 7 кун давомида ЭТ-1 миқдорини даволанмаган ҳайвонлар гуруҳига нисбатан бирмунча пасайишига олиб келди. Аммо унинг қиймати назорат гуруҳига нисбатан препаратларга тегишли равишда 2,51; 2 ва 2,47 баравар ишончли юқори бўлди. Шу вақтнинг ўзида VEGF А миқдори даво-

ланмаган ҳайвонлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада тегишлича 1,65; 2,26 ва 1,93 баравар пасайиб, назорат қийматига нисбатан препаратларга тегишли равишда 1,74; 1,27 ва 1,48 баравар юқори бўлди.

Таҷрибавий ҳайвонларда РДни ўрганиш қон зардобдаги мочевина, креатинин даражалари ва Шварц формуласи бўйича ҳисобланган КФТ қийматлари бузилиш даражалари умуман ишончли эмасди. Дастлаб назоратга нисбатан мочевина даражасининг 1,54 баравар ва КФТни 1,11 баравар аҳамиятсиз пасайишига тенденция намоён бўлди. Каламушларнинг сийдик таҳлиллари протеинурия (3,3 баравар ошиши), МАУ (1,86 баравар), креатининурия (2,03 баравар) ривожланишини кўрсатди. Шу билан бирга, ЭИИ чақирилган каламушларда суткалик диурезнинг пасайиши, лейкоцитурия ва гематурия кузатилди. Фармакотерапия, айниқса тивортин ва холин альфосцератни қўллаганда ушбу ўзгаришларнинг кучайишини камайтирди.

Ўтказилган морфологик тадқиқотлар бош миядаги ўзгаришлар ЭИИнинг умумий қабул қилинган морфологик суратига мос келган равишда асосан алоҳида нейронлар ва томирларда намоён бўлди. Каламушларнинг бош миясида ЭИИ 1-кундан бошлаб нерв ҳужайраларида полиморф ўзгаришлар, мия тўқимаси шиши ва васкуляр-дисциркулятор ўзгаришлар кузатилди. Периваскуляр зонада ёрқин шиш зонасининг пайдо бўлиши билан эндотелий ва базал мембранани шиши ва юмшаши ҳисобига бўлган томир деворларини қалинлашиши, томирлар торайиши, томирларда нотекис тўлақонлик, микроциркулятор томирларда қон ҳаракатининг сусайиб қолиши шаклида ЭД белгилари намоён бўлди. ЎЦИга жавобан кейинги даврларда инфаркт ўчоғи соҳасида яллиғланиш-регенератив реакциялар рўй бериб, нерв ва глиал ҳужайраларда деструктив-некротик ўзгаришлар кучайиб борди. Ушбу патоморфологик ўзгаришлар 7-кунга қадар тўлиқ шаклланди. Цито- ва нейропротекторлар билан бўлган фармакотерапия нафақат репаратив регенерация, мия пластиклиги индукцияси, нейрогенез ва коллатерал спраутингни кўзғатди, балки ҳар куни юборилгандан сўнг тўқимада ўсиш омилининг юқори даражасини ва неоангиогенез фаол жараёнини 7 кун давомида таъминлаб, 3-чи кунданок неоангиогенез жараёнини кучайтирди. Бу эса ҳам биокимёвий, ҳам морфологик томондан яққол намоён бўлди. Бу борада тивортин ва холин альфосцерати энг самаралиси бўлди.

ЭИИда буйраклардаги ўзгаришлар нефросклерозга ўхшарди. Типик ўзгаришлар кўпроқ томирлар, тубулоинтерстициал аппаратда кузатилди. ЭИИ 1-кунданок гломерулуснинг зарарланиши, гипертрофияси, мезангиал ҳужайраларнинг диффуз пролиферацияси, проксимал ва дистал каналчаларда инфилтратлар, капсуланинг провизор бўшлиғига инфилтратнинг тушиб қолиши билан Шумлянский-Боумен капсуласида думалоқ ҳужайрали инфилтрация, гломерулус, каналчаларнинг базал мембраналарининг ейилиши аниқланди. Буйраклар зарарланишида васкуляр-гемодинамик омиллардан ташқари, буларнинг барчаси иммунологик механизмларнинг жалб этилишини исботлайди. Шу даврларда «танга устунлари» тури каби эритроцитларнинг агрегацияси билан гломеруляр капиллярларнинг вазодилатацияси аниқланди. Бу эса томирлар тизимида, хусусан,

микроциркулятор томирларда қоннинг реологияси бузилишидан далолат беради. ЭИИ 7-кунига қадар гломерулуснинг тўлиқ ғойиб бўлиши ва уни фибринга алмашиши кузатилиб, 70% ҳайвонларда буйрақларнинг қон билан таъминланишининг бузилиши, ишемияси ва кейинги буйрақлар каналчалари эпителийсининг некрози ва уремия ривожланиши билан кечган буйрақлар ўткир шокоген зарарланиши (шок буйрак) сурати пайдо бўлди. Антигипоксик, ишемияга қарши, нейропротектив таъсирга эга препаратлар билан ўтказилган фармакотерапия буйрақларнинг фақат васкуляр-гемодинамик кўрсаткичларига аҳамиятсиз таъсир кўрсатиб, иммун-яллиғланиш жараёнларни бартараф этмади. Улардан тивортин ва холин альфосцератининг таъсири энг самаралиси бўлди.

Шундай қилиб, тажрибалар ЭИИ чақирилган каламушларда яққол ангио-церебро-ренал ўзаро боғлиқликлар мавжудлигини ҳамда бош мия ва буйрақлар тўқималарида гемодинамик бузилишлар ва ЭД туфайли пайдо бўлган морфоструктур бузилишларнинг ўхшашлигини тасдиқлади. ЭИИ ва гипоксия қисқа муддатда неоангиогенезни стимуляция қилиб, буйрақлар учун зарарли ҳисобланади. Гломеруляр гиперфилтрация, уремия, гиперкреатининемия, МАУ, протеинурия, фокал-сегментар гломерулосклероз, буйрақлар интерстицийсининг склерози ИИда РД ривожланишининг клиник-морфологик маркерлари сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу эса тажрибалар билан исботланди. Олинган натижалар ўрганилган препаратларнинг ИИда ангио-церебро-ренал дисфункцияга таъсир механизми ҳақида гипотезани шакллантиришга ва тажрибада ўткир ИИни даволаш усулини (ихтирога патент олиш учун талабнома № IAP 20160352, 04.09.2016 й.) ишлаб чиқишга имкон яратди.

«Ишемик инсультда ангио-церебро-ренал дисфункцияни фармакологик коррекция қилиш имкониятлари» деб номланган олтинчи бобида ИИга чалинган беморларда олиб борилган даволашни ангио-церебро-ренал дисфункциянинг ўрганилган кўрсаткичларига таъсирининг натижалари тақдим этилган. ИИли беморларда базисли ва махсус терапиядан ташкил этган фармакотерапияни ИИ даври, тури, оғирлиги ва ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган.

Объектив неврологик симптоматикани ўрганиш шуни кўрсатдики, сукцинасолга нисбатан АТга холин альфосцератни ёки тивортинни қўшиб қўллаш ҳаракат, сезги, нутқ, координация, менингеал (энса мушаклари ригидлигини камайиши), кўриш ва мнестик бузилишларни камайишида энг самаралиси бўлди. АТ билан таққослаганда барча препаратларнинг максимал самарадорлиги инсульт шкалалари бўйича оғир (КЭИ) ёки дастлаб энгил ҳолатларда (ЛИ) қайд этилди. 100% беморларда препаратларни кўтара олиш узоқ муддат қабул қилганда ҳам яхши бўлди. Баъзи бир ҳолларда холин альфосцератни қўллаганда ўткир даврда 25% беморларда кўнгил айнаши, 1%да қусиш, 10%да АҚБ кўтарилиши, 2%да бош оғриғи қайд этилди. Тивортинни қўллаганда 32,2% ҳолларда антигипертензив терапия фониди САҚБ ва ДАҚБ кескин пасайиб кетиши кузатилди. Сукцинасолни қўллагандан сўнг 30% ҳолларда кўнгил айнаши, метеоризм, диспепсия ва

оғиз қуриши пайдо бўлди; 15% беморларда оғизда металл таъм, бутун танада иссиқлик ҳисси, томоқда тикилиш ҳисси ҳамда «иссиқлик» ва «ҳаво етмаслик» ҳислари рўй берди. Бу таъсирлар дозага боғлиқ бўлиб, кўпинча препаратни венанинг ичига тез юборганда содир бўлиб, мустақил равишда дозани камайтирганда ёки симптоматик терапияни қўллаганда ўтиб кетарди.

Даволаш жараёнида ўрганилган фармакологик препаратлар буйраклар функционал кўрсаткичлари ва ЭД регресси динамикасига ижобий таъсир қилди. ИИда ангио-церебро-ренал дисфункцияни тиклаш борасида ишемияга қарши, антигипоксик, нейропротектив, репаратив ва проангиоген таъсирлари туфайли холин альфосцерати ва тивортин энг самаралиси бўлиб, тажриба ва клиникада ўз исботини топди. Ангио-церебро-ренал дисфункциянинг ривожланишининг юқори хатарини ҳисобга олган ҳолда ИИга чалинган беморларни динамикада ренал бузилишларга скрининг қилиш зарурдир. Ушбу беморларни даволаш ва назорат қилиш дастурига эса нефролог консультациясини киритиш тавсия этилади.

ХУЛОСА

1. ИИли беморларни клиник-неврологик ва нефрологик текширувлари буйраклар патологик жараёнга 64,9% ҳолларда, айниқса, ўчоқни ВББда жойлашганлигида (OR=2,02) жалб этилишини кўрсатди. РДнинг юқори чўққиси ўта ўткир ва ўткир ҳамда кеч тикланиш ва турғун асоратлар даврларида кузатилди. Инсульт шкаллари бўйича РД фонида ИИ оғирроқ кечиб, тос бузилишлари (OR=4,71), атаксия (OR=3,94), бульбар ёки псевдобульбар синдром (OR=3,0), когнитив бузилишлар (OR=2,2) устуворлик қилди. РДнинг прогностик аҳамиятли маркерлари МАУ ва КФТ пасайишидир. РД ривожланишининг нисбий хатари КИ (OR=2,04), АТИ (OR=1,12) ва ЛИда (OR=1,09) юқори бўлса, клиник белгилари КИ ва ЛИда максимал кучли, АТИда эса энг камдир.

2. ИИда 70 дан ошиқ ёш (OR=4,10), аёл жинси (OR=3,84), ҚД (OR=1,44-2,30), анамнезда ТИХ (OR=2,3), ИИга олиб келган касалликнинг 5 йилдан кўпроқ давом этиши (OR=1,9), гипертоник хуружлар, кичик инсультлар, васкуляр деменция эпизодлари (OR=1,8), оғир ХК (OR=1,77), яққол тизимли атеросклероз (OR=1,55) ва юрак патологияси (OR=1,20) ангио-церебро-ренал дисфункция ривожланишининг асосий ХО ҳисобланди.

3. ИИда буйраклар функцияси ёмонлашининг асосий сабабларини церебрал ва юрак-қон томир асоратлар ҳамда буйракларнинг дорилар билан зарарланиши ташкил қилди. Агар ўткир РД сабаблари церебрал асоратлар бўлса, буйраклар функцияси ёмонлашининг кеч даврида асосий сабаблари экстрацеребрал бузилишлар ҳисобланди. Буйраклар функциясининг эрта ёмонлашиш белгиларини сийдик ажратиш бузилишлари, шишлар, коррекцияга ёмон сезувчанликка эга АҚБ ошиши (айниқса, ДАҚБ), гиперкреатинемия, КФТ пасайиши, альбуминурия, протеинурия, эритроцитурия, лейкоцитурия ташкил қилди. Эрта белгилар инсултнинг 1-куниданоқ пайдо бўлиб, кейинги 20 кун давомида намоён бўлди. Буйраклар функциясининг

кеч ёмонлашишига ИИ оқибатига ишончли таъсир этувчи ва бемор ҳаёти учун салбий прогнозга эга латент кечувчи буйраклар касалликлари кирди.

4. ИИда эндотелий дисфункцияси холинэргик тизим етишмовчилиги фонида NO даражасининг пасайиши, ЭТ-1 ва VEGF даражаларининг кескин ошиши билан намоён бўлди. ЭД, холинэргик танқислик ва неоангиогенез жараёни АТИ ва КЭИга чалинган беморларда кучлироқдир. ИИда ангио-церебро-ренал дисфункция маркерлари ўртасида жуда кучсиз ўзаро муносабатлар қуйидагилар билан аниқланди: мусбат – VEGF даражасининг Скандинав шкала бўйича баллари ($r=0,307$) ва КФТ ($r=0,320$); манфий – АХЭ даражаси ва лейкоцитурия ($r=-0,279$); эритроцитурия ва NO ($r=-0,241$), АХЭ ($r=-0,308$), VEGF даражалари ($r=-0,429$) ва мусбат ЭТ-1 ($r=0,283$). Бу эса буйраклар гломерулусининг зарарланишида ЭДнинг муҳим ролидан далолат берди.

5. Фокал ЎЦИ модели ЭТ-1 ва VEGF гиперэкспрессияси билан намоён бўлди. Узоқ муддатли бош мия ишемияси ва гемодинамик бузилишлар нерв тўқимасида миянинг пўстлоқ ва пўстлоқ ости структураларини жалб этувчи қайтарилмас ўчоқли ўзгаришларга олиб келди ҳамда буйракларга салбий таъсир кўрсатиб, охирида нефросклерозга олиб келди. ЭИИ чалинган каламушларда бош мия ва буйраклар морфологик тадқиқотлари гемодинамик бузилишлар ва ЭД туфайли пайдо бўлган ангио-церебро-ренал ўзаро боғлиқликларини исботлади. ЭИИда буйраклар зарарланишини иккиламчилигини ва бевоситалигини ҳисобга олса, ИИда ангио-церебро-ренал дисфункция марказий регуляция, васкуляр-гемодинамик бузилишлар ва тизимли яллиғланиш жавоби билан ифодаланди.

6. ЭИИда сукцинасол, айникса, тивортин ва холин альфосцерати билан ўтказилган фармакотерапия ЭД зўрайишини камайтирди ва неоангиогенез каскадини ишлатиб юборди, кейинчалик эса бош миёда антигипоксик, ишемияга қарши, нейропротектив ва репаратив таъсир кўрсатди. Буйракларда улар фақат васкуляр-гемодинамик кўрсаткичларга аҳамиятсиз таъсир кўрсатди.

7. ИИли беморларда анъанавий терапияга ўрганилган дориларни қўшиб қўллаш маълум даражада ангио-церебро-ренал дисфункцияни коррекция қилди. Бу уларни клиник амалиётда қўллашга патогенетик нуқтаи назардан асос бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

РАСУЛОВА ХУРШИДАХОН АБДУБОРИЕВНА

**АНГИО-ЦЕРЕБРО-РЕНАЛЬНАЯ ДИСФУНКЦИЯ ПРИ
ИШЕМИЧЕСКОМ ИНСУЛЬТЕ: ПРОГНОЗИРОВАНИЕ,
ДИАГНОСТИКА, ЛЕЧЕНИЕ**

14.00.13. – Неврология, 14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА (DSc) МЕДИЦИНСКИХ НАУК**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора (DSc) медицинских наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Tib82.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.timpe.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научные консультанты: **Маджидова Якутхон Набиевна**
доктор медицинских наук, профессор

Даминов Ботир Тургунпулатович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мирджураев Эльбек Миршавкатович**
доктор медицинских наук, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
доктор медицинских наук, профессор

Сабилов Максуд Атабаевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Институт нейронаук и физиологии Салгреной Академии при Гётеборгском университете (Швеция)**

Защита диссертации состоится «___»_____2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей (Адрес: 100007, г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел/факс: (+99897) 268-17-44, email: info@timpe.uz).

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирована за № ___) (Адрес: 100007, г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел/факс: (+99897) 268-17-44).

Автореферат диссертации разослан «___»_____2018 года.
(реестр протокола рассылки №___от «___»_____2018 года).

Х.А. Акилов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.м.н., профессор

Н.Н. Убайдуллаева
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.м.н., доцент

Б.Г. Гафуров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сердечно-сосудистые (ССЗ) и цереброваскулярные заболевания (ЦВЗ) являются ведущей причиной инвалидности и смертности человека, что объясняет стойкий интерес к особенностям их развития, профилактики и дифференцированного лечения. По оценкам экспертов ВОЗ¹, в 2015 году от ССЗ умерло 17,7 млн. человек, что составило 31% всех случаев смерти в мире. Из них, инсульт занимает второе место, унося около 6,7 млн. жизней в год. В Узбекистане ежегодно регистрируется более 40-60 тыс. инсультов, из которых около 44,6% заканчивается летальным исходом, 42,2% инвалидизацией, а к труду возвращаются лишь 13,2%. Среди инсультов ишемический инсульт (ИИ) составляет 75-90%.

Во всем мире актуальной задачей является снижение частоты ЦВЗ путем разработки критериев ранней диагностики, прогнозирования, совершенствования лечебных мероприятий, снижения частоты осложнений и летальности. Актуальными являются исследования по созданию современных информативных программ и алгоритмов диагностики инсульта с последовательным переходом к его прогнозированию и выбору оптимальной терапевтической тактики. В последние годы особое внимание уделяется исследованиям, посвященным развитию, течению, а также лечению и реабилитации инсульта с учетом коморбидных состояний, в частности патологии почек.

На сегодняшний день в нашей стране «людям старшего поколения и пожилого возраста уделяется должное внимание на государственном уровне. Проблема их здоровья является важнейшим медико-социальным и приоритетным направлением здравоохранения республики»². Последовательные системные работы по повышению уровня и качества жизни народа, широкому внедрению современных технологий и методов лечения, а также повышению качества медицинских услуг привели к достижению значительных результатов. При своевременном применении качественных диагностических и лечебных мероприятий при инсульте удалось снизить число осложнений и улучшить прогноз заболевания. Осуществляемая научно-исследовательская и практическая деятельность по проблемам инсульта позволила накопить немалый опыт как специального, так и организационного плана, который, безусловно, нуждается в детальном анализе и совершенствовании. Следовательно, укрепление здоровья населения, уменьшение числа ЦВЗ и его серьезных осложнений заслуживает особого внимания.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3052 от 12 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов

¹ World Health Statistics 2016: monitoring health for the SDGs, sustainable development goals. – World Health Organization (WHO) Reports, Geneva, Switzerland. – 2016. – 121 p. www.who.int

² №УП-2302 от 18 февраля 2015 года «О Государственной программе «Год внимания и заботы о старшем поколении».

здравоохранения», №ПП-3137 от 17 июля 2017 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», №УП-5308 от 22 января 2018 года «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», №ПП-3494 от 25 января 2018 года «О мерах по ускоренному совершенствованию системы скорой медицинской помощи», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования, направленные на разработку современных подходов лечения и профилактики инсультов, осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе Всемирной (World Stroke Organisation, WSO) и Европейской (European Stroke Organisation, ESO) организациями по борьбе с инсультом, American Heart Association/American Stroke Association (AHA/ASA, США), National Heart Institute (Фрамингхам, Массачусетс, США), National Institute of Neurological Disorders and Stroke (NINDS, США), University of Iowa Stroke Center, Los Angeles UCLA Medical Stroke Center (США), University of Oxford (Великобритания), Universitätmedizin Berlin Charite (Германия), University of Gothenburg, Sahlgrenska University Hospital (Швеция), Paris-Diderot University, Bichat-Claude Bernard Hospital (Франция), Osaka National Cerebral and Cardiovascular Center (Япония), в Научном центре неврологии Российской академии медицинских наук, Национальном центре инсульта, Российском национальном исследовательском медицинском университете имени Н. И. Пирогова, Санкт-Петербургском государственном медицинском университете им. акад. И. П. Павлова (Российская Федерация), а также Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи, Ташкентской медицинской академии, Ташкентском институте усовершенствования врачей и Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Узбекистан).

Получен ряд научных и практических результатов по распространенности инсульта в странах мира с различным уровнем дохода (WSO и ESO), факторам риска с разработкой мер первичной и вторичной профилактики ИИ

³Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлялся на основе: <http://www.world-stroke.org>, <http://www.eso-stroke.org>, <http://www.nationalheartinstitute.com>, <http://www.ninds.nih.gov>, <http://www.heart.org>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed>, <http://www.ncvc.go.jp>, <http://www.stroke.ucla.edu>, <http://www.uihc.org/stroke-clinic>, <http://www.neurophys.gu.se/forskning/publikationer>, <http://www.charite.de>, <http://www.medicine.univ-paris-diderot.fr>, <http://www.neurology.ru>, <http://www.rsmu.ru>, <http://www.lspbmgmu.ru>, <http://www.med.uz/emergency/center/>, <http://www.tma.uz>, <http://www.tipme.uz>, <http://www.tashpmi.uz> и других источников.

(AHA/ASA), определена важнейшая роль сердечной патологии в генезе и течении ИИ (National Heart Institute), разработаны меры и рекомендации по ведению больных в зависимости от периодов и подтипов инсульта, шкалы инсульта, позволяющие оценивать степень тяжести неврологического дефицита, уровень функционального восстановления и другие (NINDS, PAMH), установлена роль патологии почек как фактора риска развития осложнений и смертности при ИИ (UCLA Medical Stroke Center, Osaka National Cerebral and Cardiovascular Center, University of Gothenburg), расшифрованы механизмы цитотоксического действия NO, глутамат-кальциевого каскада, иммунно-воспалительных, генетических факторов, а также факторов апоптоза и ангиогенеза в развитии церебральной ишемии (Iowa, Oxford, Paris-Diderot Universities, Universitätmedizin Berlin Charite, РНИМУ имени Н. И. Пирогова, Санкт-Петербургский ГМУ им. акад. И. П. Павлова).

Научное обоснование ангио-церебро-ренальной дисфункции при ИИ с разработкой критериев прогнозирования и диагностики является приоритетным направлением в медицине и служит наиболее эффективной основой для патогенетической терапии мозгового инсульта на ранних стадиях его развития и профилактики осложнений, а также повышения качества жизни больных.

Степень изученности проблемы. В последние годы все большее внимание клиницистов привлекают кардио- и цереброренальные взаимодействия. Получает развитие концепция «хроническая болезнь почек» (ХБП), «кардио-ренальный синдром», «кардио-ренальный континуум», «цереброкардиоренальный континуум», выдвинутые Р. А. McCullough (2011), А. В. Смирновым, А. Л. Арьевым с соавт. (2011). В Узбекистане исследования ХБП и кардио-ренальных взаимоотношений проведены такими учеными, как Б. Т. Даминов, М. А. Сабиров, Д. А. Эгамбердиева, М. М. Каримов, Ш. С. Абдуллаев, У. К. Камилова, З. Д. Расулова и другие.

К настоящему времени со стороны American Heart Association Kidney And Cardiovascular Disease Council; the Councils on High Blood Pressure Research, Cardiovascular Disease in the Young, and Epidemiology and Prevention; and the Quality of Care and Outcomes Research Interdisciplinary Working Group: developed in collaboration with the National Kidney Foundation выполнен ряд крупных контролируемых исследований, в которых оценивалась связь степени тяжести ХБП с риском развития сердечно-сосудистых осложнений и смертности. Результаты данных работ убедительно доказывают, что даже легкая дисфункция почек у больных с ранними стадиями ХБП способна увеличивать риск развития ишемической болезни сердца (ИБС), инфаркта миокарда и других сердечно-сосудистых осложнений, заметно ухудшая качество и прогноз жизни таких пациентов.

Популяционными исследованиями (NHANES, Rotterdam Study, REGARDS, SCORED и др.) доказано, что умеренное снижение скорости клубочковой фильтрации (СКФ) (до 60 мл/мин) и микроальбуминурия (МАУ) (более 10 мг/сут) ассоциированы с высоким риском общей и сердечно-сосудистой смертности (Bos M. et al., 2007; Bang H. et al., 2009;

Vander Velde M. et al., 2011; Muntner P. et al., 2015), а сами пациенты с ХБП являются группой высокого риска ишемического и геморрагического инсульта (Fabbian F. et al., 2014; Toyoda K., 2015; Shrestha P. et al., 2017; Cheng Y. G. et al., 2018), транзиторных ишемических атак (Hayden D. et al., 2017), вероятность развития которых прямо связана с тяжестью нарушения функции почек (Ovbiagele B. et al., 2011). Причем сила взаимосвязи между ИИ и нарушением почечной функции после поправки на факторы цереброкардиоваскулярного риска практически не ослабевает (Vander Velde M. et al., 2011). Более того, ренальная недостаточность непосредственно связана со степенью выраженности атеросклероза сосудов (Смирнов А. В. с соавт., 2008) и может приводить к неврологическим осложнениям как после проведения тромболитика (Nayak-Rao S. et al., 2017; Gadalean F. et al., 2017; Carr S. et al., 2017), так после гемодиализа и трансплантации почки (Renjen P. N. et al., 2018). В ряде исследований важной задачей терапии инсульта является коррекция факторов риска (ФР) и лечение основной причины, в частности, проведение антигипертензивной терапии, в которой должен также обеспечиваться ренопротективный эффект (Kobayashi M. et al., 2009; Постникова Е. С., 2009; Кожевникова Е. Е., 2009).

Несмотря на глубокие исследования проблемы патогенеза, диагностики и лечения ИИ, проводимые во всем мире, на сегодняшний день имеется много нерешенных вопросов и проблем, требующих дальнейшего изучения. В литературе недостаточно сведений о распространенности сочетанной патологии головного мозга, сердца и почек, особенно когда речь идет о гериатрических пациентах, отсутствует концепция ангио-церебро-ренальной дисфункции. Неясной остается роль почек в развитии и течении инсульта, не изучены процессы ангиогенеза и эндотелиальной дисфункции (ЭД) во взаимосвязи с морфоструктурно-функциональными изменениями в почках при острой церебральной ишемии (ОЦИ). В Узбекистане исследования, посвященные изучению церебро-ренального континуума, отсутствуют, что диктует необходимость междисциплинарного подхода к таким пациентам и является основанием для проведения настоящего исследования.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках ГПНТП АДСС 15.26.8 «Разработка критериев прогнозирования и диагностики ангио-церебро-ренальной дисфункции при ишемическом инсульте и совершенствование лечения (2015-2017 гг.)».

Целью исследования явилось клинико-неврологическое, нефрологическое и экспериментальное исследование с разработкой критериев прогнозирования и диагностики ангио-церебро-ренальной дисфункции при ишемическом инсульте и оптимизацией терапевтической тактики.

Для достижения цели определены следующие **задачи исследования:**

провести клинико-неврологическое, нейрофизиологическое, нефрологическое и лабораторно-инструментальное обследование больных с ИИ в зависимости от его подтипов с оценкой степени тяжести и изучением частоты

встречаемости и клинических манифестаций ренальной дисфункции (РД);

провести ретроспективный анализ историй болезни больных с ИИ с изучением ФР, анамнеза, фоновых и сопутствующих заболеваний для определения степени риска развития церебро-ренальной дисфункции при ИИ;

определить механизм формирования ухудшения функции почек при ИИ с детальным изучением причин и признаков их нарушений;

изучить факторы ангиогенеза и ЭД (содержание продуктов NO, ацетилхолинэстеразы, VEGF, ЭТ-1) в сыворотке крови больных с проведением сравнительного корреляционного анализа между их содержанием при различных подтипах ИИ в динамике;

на экспериментальной модели фокальной ОЦИ определить факторы ангиогенеза и ЭД, а также морфофункциональное состояние головного мозга и почек до и после лечения метаболитами и цитопротекторами различной направленности;

провести мониторинг функционального состояния почек у больных с ИИ на основании уровня сывороточного креатинина, мочевины, СКФ, экскреции белка и альбумина в динамике лечения;

на основании систематизации полученных результатов клинических, экспериментальных и иммуногистохимических исследований разработать диагностические и прогностические критерии, а также схемы лечения ИИ с учетом ангио-церебро-ренальной дисфункции.

Объект исследования: 302 больных с ИИ в острейшем, остром, раннем и позднем восстановительном периодах, а также с последствиями ИИ; 50 пациентов с дисциркуляторной энцефалопатией (ДЭ); 84 белые беспородные крысы с экспериментальным ишемическим инсультом (ЭИИ).

Предмет исследования: клиничко-анамнестические и лабораторно-инструментальные данные, оценочные шкалы инсульта, подтипы ИИ; периферическая кровь и моча больных; биоптаты головного мозга и почек, периферическая кровь и моча крыс.

Методы исследования. В процессе исследования применялись общеклинические, функциональные, биохимические, иммуноферментные, морфологические и математико-статистические методы исследования.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

впервые разработаны клиничко-диагностические критерии патогенетических подтипов ИИ в зависимости от пола, возраста, сосудистого бассейна, степени тяжести заболевания и наличия РД;

впервые выявлены частота и структура ренальных нарушений при ИИ в зависимости от патогенетических подтипов, сосудистого бассейна и периодов заболевания;

впервые обнаружены факторы риска и клиничко-лабораторные манифестации РД при ИИ в зависимости от его подтипов, степени тяжести и гемодинамических показателей путем вычисления относительного (ОР) и атрибутивного рисков (АтР), отношения шансов (ОР) и этиологической доли (ЕФ);

впервые обоснованы достоверные маркеры ангио-церебро-ренальной дисфункции при ИИ, раскрыты значения и категории СКФ (стадии ХБП) у

больных с ИИ в зависимости от подтипов и периодов заболевания;

впервые предложена классификация РД при ИИ с делением на раннее (острое) и позднее (хроническое) ухудшение функции почек в соответствии с периодами ИИ, обнаружены их признаки и причины;

впервые доказана патогенетическая роль ЭД и процесса неоангиогенеза на примере нитроксид- и эндотелинпродуцирующей функций сосудистого эндотелия, маркеров холинэргической системы и эндотелиального фактора роста сосудов у больных с ИИ в зависимости от патогенетических подтипов, степени тяжести, пола и возраста, а также наличия РД;

впервые расшифрован механизм взаимосвязи и развития ангио-церебро-ренального континуума, разработаны критерии диагностики и прогнозирования ангио-церебро-ренальной дисфункции при ИИ;

впервые обнаружены отчетливые признаки неоангиогенеза и ЭД во взаимосвязи с патоморфоструктурными изменениями в головном мозге и почках крыс в динамике ЭИИ и на фоне фармакотерапии;

впервые обоснована схема механизма действия цито- и нейропротекции препаратами сукцинасол, тивортин и холина альфосцерат на ангио-церебро-ренальную дисфункцию на модели ЭИИ и доказана их эффективность у больных с ИИ.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

